БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 162 (393)

16 АВГУСТ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУНГИ СОНДА:

Областимизда (1-нчи бет).

Корея озод қилинган куннинг 10 йиллиги. Москва шаҳри жамоатчилигининг тантанали йиғилиши (1-нчи бет).

А. Шкуратов. — Колхозларга оталик ёрдамини кучайтирайлик (2-нчи бет).

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА: **Е. Глушченко.** — Тўқимачилик саноатига кўплаб мукаммаллаштирилган машиналар етказиб берамиз (2-нчи бет).

Ш. Кузанбоев. — Луб экинлари парваришини сифатли ўтказайлик (3-нчи бет).

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИДА: **М. Мирҳаётов.** — Илғор пахтакорлар учрашуви (3-нчи бет).

Корея озод қилинган куннинг 10 йиллиги муносабати блан 1955 йил 14 августда Пхеньянда бўлган тантанали мажлисда Совет ҳукумат делегациясининг бошлиғи А. Б. Аристов нутқи (3-нчи бет).

Совет ҳукуматининг Совет Иттифоқи қуролли кучлари сонини қамайтириш тўғрисидаги қарори ҳақида чет элларда баён қилинган фикрлар (4-нчи бет).

Ёшлар ва студентларнинг Жаҳон V фестивали ёпилди (4-нчи бет).

СИЛОС ИНШООТЛАРИ ҚУРИШ ВА СИЛОС БОСТИРИШНИ ТЕЗЛАШТИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг сўнгги йилларда бўлиб ўтган барча Пленумларида, Партия ва Ҳукуматимизнинг қарорларида чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш марказий вазифа қилиб қўйилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати аҳолини чорвачилик маҳсулотлари блан, саноатни хомаш'ё блан мўл-кўл та'минлаш—кўпмиллионли чорвадорларимизнинг жонажон, ватанпарварлик иши эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтдилар.

Бу соҳадаги катта вазифани муваффақиятли бажариш учун партия ва ҳукумат чорвадорларимизга оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар. Чорвачиликдаги оғир меҳнат талаб қиладиган ишларнинг механизациялаштирилиши, чорвадорларни рағбатлантириш мақсадида уларнинг меҳнатига қараб қўшимча ҳақ тўлашнинг йўлга қўйилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Илғор чорвадорлар КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини бажариш учун қурашиб, чорва моллари сонини тобора кўпайтирмоқдалар, уларнинг маҳсулдорлигини оширмоқдалар. Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз асосан пахтачилик колхози бўлишига қарамай, бу ерда чорвачилик сўнгги йилларда хўжаликнинг серdaромад тармоғи бўлиб қолди. Колхозда соғин сигирларнинг сони йил сайин кўпаймоқда. Колхоз чорвадорлари сигир боқишдаги янги усулларни кенг қўлланиб иш кўраётганликлари, уларга ҳамавақт серсув, ширали ем-хашак бериб, вақти-вақтида суғориб тураётганлари, белгиланган фурсатда сигирларни прогулкага олиб чиқаётганлари учун сигирлар сутни кун сайин кўпайтирмоқда. Ҳозиргача ҳарбир сигирдан 2500 литрдан ортиқ сут соғиб олинганлиги қувончли бир ҳолдир.

Колхоз правлениеси (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ А. Шорахмедов) ва партия ташкилоти (секретари ўртоқ Тожибоев) пахтачилик блан бир қаторда суттовар фермаси ишини ҳам тобора яхшилаш мақсадида изчиллик блан иш олиб бормоқдалар. Бу йил колхозда катта майдонларга маккажўхори экилди. Квадрат-уялаб жойлаштирилган маккажўхори агротехника қоидалари асосида сифатли парвариш қилинди, унинг бўйи 2,5—3 метрга етди. Колхоз маккажўхори пояси етилиши блан дарҳол уни силос қилиб бостиришга киришди. Силос бостириш, унга қалар бўлган тайёргарлик ишлари — траншея ва чуқурлар қазиш олдиндан тузулган схема асосида, мақсадга мувофиқ ўтказилди. Колхоз қиш учун ҳарбир сигирга 10 тоннадан силос тайёрлаш учун барча тадбирларни амалга оширмоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини оширишда маккажўхорининг ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигига тўла тушинган жойларда силос иншоотлари қуриш ва силос бостириш қат'ий график асосида ўтказилмоқда. Оржоникидзе районидаги Сталин номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Калинин районидаги Ворошилов номли ва бошқа бирқанча илғор колхозларда қиш учун етарли миқдорда ем-хашак, силос тайёрлаш топшириғи муваффақиятли адо этилмоқда.

Аммо шу нарса ачинарлики, асосий чорвачилик районларида силос иншоотлари қуриш ҳам, силос бостириш ҳам мутлақо қониқарсиз бормоқда. Ховос, Паркент, Оҳангарон районларида силос иншоотлари қуриш 31—36 процент ўртасида, силос бостириш эса 7—9 процент чамасида бажарилган. Бу районларда беда-пичан тайёрлаш, уларни ўриш, ғарамлаш ҳам чидаб бўлмас даражада кечиктирилмоқда.

Оҳангарон район раҳбарлари (райком секретари Мухамедов, райисполком раиси Қорахўжев ўртоқлар) ва МТСларнинг директорлари силос иншоотлари қуриш, маккажўхори ва бошқа ўсимликлардан силос бостиришни кучайтириш тўғрисида кўп гапирмоқдаларки, лекин иш олга бормаётир. Улар бу соҳада жуда пассивлик кўрсатмоқдалар, ҳархил сводкалар, ёзишмалар тўплаш блан авора бўлиб қолмоқдалар. Районда пичан тайёрлашнинг энди 34 процент, беда тайёрлашнинг 47 процент бажарилганлиги район раҳбарларини сра ташвишлантирмаётир.

Кўпгина районларда силос иншоотлари қуриш проектларда белгилангандек олиб берилмаётир. Бу соҳада айрим хатоликларга йўл қўйилмоқда. Натижада силос нотўғри қурилган силос ўраларига босилмоқдаки, агар бунинг олди олинмаса кўп меҳнат сарф қилиб босилган силоснинг бузилиши — чириши ёки тўйимлилигини йўқотиши мумкин. Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари силос иншоотлари қуришда, тайёр чуқурларга силос бостиришда колхоз раҳбарларидан, чорвачилик мутахассисларидан белгиланган тартибга тўла э'тибор беришни қат'ий талаб қилишлари, бу соҳада заррача ҳам тартибсизликка йўл қўймасликлари керак.

Бу йил областимизда жуда катта майдонларга маккажўхори экилди. Кўп колхозлар маккажўхорини ҳам эртаги, ҳам кечки қилиб экканлар. Шу кунларда эртаги маккажўхори пояси силос боп бўлиб етишмоқда. Ғанимат фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиб силос иншоотлари қуриш, силос бостиришни сифатли ўтказиш учун зарур чораларни кўриш — район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ва колхоз правлениеларининг шу кунлардаги кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифасидир.

Маккажўхоридан ташқари бошқа экинлар поясидан ҳам — қамишдан силос бостиришнинг яхши натижа берганлиги тажрибада синаб кўрилди. Қиш учун хилмахил ем-хашак қанча кўп бўлса, сигирларимиз серсут, чўчқалар ва қўй-эчкилар семиз бўлиб етилади. Демак чорвачилик маҳсулотлари сифатли, шу блан бирга мўл-кўл бўлади.

МТСларнинг директорлари колхозларда силос бостиришни муваффақиятли ўтказиш учун техника ёрдамини кучайтиришлари, силосқирқар машиналарнинг тўхтовсиз ишлашини та'минлашлари керак. Бостирилаётган силосларнинг устини яхшилаб беркитиш, суваш зарур, агар шундай қилинмаса силоснинг бир қисми нобуд бўлади, ҳатто яроқсиз ҳолга келиб қолади.

МТСларнинг зоотехниклари колхозларда силос бостириш устидан шахсан ўзлари назорат қилиб туришлари, иш сифатининг заррача ҳам бузилишига йўл қўймасликлари лозим. Силос бостиришда ишлаётган колхозчиларга, механизаторларга қулай иш шароити яратиб бериш, улар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш зарур ишлардан биридир.

Августнинг иккинчи ярми бошланди. Қолган вақтдан тўла ва унумли фойдаланиб, барча колхоз ва совхозларда ем-хашак тайёрлашни ҳартарафлама кучайтириб юбориш, бу соҳада ишлаётган кишиларнинг унумли меҳнат қилишига эришиш—маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Барча совет кишилари каби областимиз меҳнаткашлари ҳам партиямизнинг тошли XX с'ездини меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Пахтакорлар она-Ватанимизга кўпроқ «оқолтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Сабзавотчилар эса шаҳар меҳнаткашларини картошка, сабзавотчилик ҳамда полиз экинлари маҳсулотлари блан мўл-кўл та'минлаш учун курашаётирлар. Чорвадорларимиз чорвачилик маҳсулотларини тинмай кўпайтиришлари, чорва моллари сонини оширишлари, бунинг учун ҳарбир колхоз ва совхозда мустаҳкам ем-хашак базаси бўлишига эришишлари, чорва қишловига пухта тайёргарлик кўришдари керак.

Силос иншоотлари қуришни тезроқ тугаллаш, чорва молларнинг тўқ ва иссиқ қишловини та'минлаш — чорвадорларимизнинг ватанпарварлик бурчи, партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ва колхоз правлениеларининг жанговор вазифасидир.

Сун'ий тола ишловчи саноат корхоналари ходимларининг кенгаши

СССР Кенг исте'мол товарлари саноати министрлигида сун'ий тола ишлаб чиқарувчи корхоналар вакилларининг кенгаши 13 августда тугади. Кенгаш бирнеча кун давом этди. Кенгашга илмий-текшириш институтларининг ходимлари, трикотаж, шойи, шерсть саноати ва саноатдаги бошқа тармоқларнинг ходимлари қатнашди. Кенгашда янги техникани, технологияни ва илғор тажрибани жорий қилиш тўғрисида, ишлабчиқаришда технология процессини такомиллаштириш йўллари ҳақида докладлар тингланди.

Кенгашда сун'ий толадан турли-туман кенг исте'мол буюмлари тайёрлаш учун фойдаланилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Сун'ий толадан автомобиль шиналари, балиқ овлаш тўрлари, денгиз ва дар'ё флоти учун арқонлар тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Сўнгги вақт ичида сун'ий ва синтетик толанинг янги хиллари яратилди.

1955 йилда сун'ий тола чиқариш 1950 йилдагига нисбатан 4,5 баравар кўпайди.

Лекин сун'ий тола чиқариш саноати халқ хўжалигининг ўсиб кетган эҳтиёжини ҳали қондирмаётир. Маҳсулотнинг сифати паст. Унинг ассортименти етарли даражада эмас. Кенгаш қатнашчилари хомаш'ё етиштириб беручи химия ва целлюлоза саноати ходимлари олдига катта талаблар қўйдилар.

Кенгашда СССР Кенг исте'мол товарлари саноати министри Н. С. Рижов қатнашди. (ТАСС).

Фабрика-завод мактабларига қабул бошланди

Мамлакатдаги фабрика-завод та'лими ва кон саноати мактабларига навбатдаги қабул бошланди.

Бу ўқув юртларига 16 — 17 ёшдаги ўспиринлар, 16 — 18 ёшда қизлар қабул қилинади: кўмир, кон-руда ва саноатнинг бошқа ба'зи тармоқлари учун оммавий ҳунар ишчилари тайёрлаш учун мактабларга 18 ёшгача бўлган ўспиринлар, биринчи навбатда болалар уйларида тарбияланган ўспиринлар қабул қилинади.

Август-сентябрь ойларида 50 мингга яқин киши қабул қилинади. Улар ўқиш давомида пармаловчи, забойчи, шахтани мустаҳкамловчи, юк ортиш машиналарининг машинистлари, домна печьларида ишловчилар, ғишт теручилар, печька ясовчилар, пўлат конструкцияларни йиғувчилар ва бошқа ихтисосларни ўрганадилар. Ёғоч тайёрлаш ишида механизмларга хизмат кўрсатиш бўйича 3,5 минг ишчини ишга ўргатиш мўлжалланди.

Мактабларда жам'и бўлиб 100 хилга яқин ҳунар ишчилари тайёрланади.

Областимизда

Шахтёрлар Куни шарафига

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари «Ўзбекуголь» трестига қарашли кон устини очиш разрези колективини янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди. Шу кунларда ватанпарвар механизаторлар ўзларининг традицион байрамлари — Шахтёрлар кунига муносиб совғалар тайёрламоқдалар.

Разрез колективи давлат планларини муттасил ошириб бажармоқда. Бу ерда меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига нисбатан 15 процент ошди. Корхонада илғорлар иш тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Бу ишда кўргазмали агитация, техника ўқуви ва тажриба алмашиш воситаларидан фойдаланилмоқда.

Разрез кончилари 7 ойлик планни муддатидан 5 кун олдин бажаришга муваффақ бўлган эди. Меҳнатсевар шахтёрлар социалистик мусобақани кун сайин қизитиб, август ойида ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар шу ойнинг дастлабки ўнкунлиги давомида пландан ташқари 17 минг кубометр тупроқ-шағал қазиб чиқариб, думпкарларга ортдилар.

Социалистик мусобақада ўртоқ Нагель бошлиқ 1-нчи участка механизаторлари олдинда бормоқдалар. Ойлик ва квартал планларини доимо бирярим бараварга етказиб бажараётган бу участка коллективи корхона кўчма Қизил байроғини 2 йилдан буён ўз қўлида сақлаб келмоқда. Бу участка тахтёрлари 8 ойлик планни 20 августгача адо этиш мажбуриятини олган эдилар. Ҳозир улар ғайратга-ғайрат қўшиб, ишлаётирлар. Участкани Голуб, Маринин, Дубовский, Хабиев ўртоқлар каби экскаватор машинистлари ҳар сменада бирярим-икки норма бажараётирлар.

И. АҲМЕДОВ,
Ғ. ИСМОИЛОВ.

Пахтакорларга маданий хизмат

Сирдар'ё район маданият бўлими пахтакорларга ва МТС механизаторларига маданий хизмат кўрсатишни яхшиламоқда. Айниқса район марказидан узоқда бўлган колхозларга хизмат кўрсатишга алоҳида э'тибор берилмоқда.

Маданият бўлимининг кўчма киноустановкаси Ленин номли, Ильич номли, Ворошилов номли, Сталин номли, «Ленинобод» ва Маленков номли колхозларга тез-тез юборилиб турилади. Бу ерларда пахтакорларга «Чигитни квадрат-уялаб экиш ва уни механизация воситаси блан парвариш қилиш», «Ем-хашак тайёрлаш ва силос бостириш» номли қисқаметражли фильмлар кўрсатилди. Колхозчилар «Бой ила хизматчи», «Алишер Навоий», «Ёш гвардия», «Дон казаклари» каби совет бадиий фильмларини ҳам зўр қизиқиш блан тамоша қилмоқдалар.

Тарас Шевченко номли, «Ҳақиқат», Охунбобоев номли колхозларнинг клубларида ҳам кунаро ҳархил фильмлар кўрсатилиб турмоқда. Бу клубларда кино бошланишидан олдин илмий-сиёсий ва қишлоқ хўжалик темаларида лекциялар бўлиб турали. Районда қишлоқ меҳнаткашларига кинофильмлар кўрсатиш 7 ойлик плани 130 процент қилиб бажарилди.

Бундан ташқари район маданият уйи ҳузуридаги ҳаваскорлар «Малик» совхози, 1-нчи МТС, Ильич номли, Ленин номли, «XVIII партконференция» колхозларига бориб ғўза парвариши даврида пахтакорларга 15 дан ортиқ концерт бердилар.

З. РАҲМОНОВ.

КПСС XX С'ЕЗДИ ШАРАФИГА

ПОЙАФЗАЛЧИЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкентдаги 2-нчи пойафзал фабрикасининг коллективи аҳоли учун хром ва бошқа оёқ кийимлар ишлаб чиқаришни ой сайин кўпайтирмоқда. 7 ой давомида давлат планлари ҳамма кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилиб, қўшимча равишда 3 миллион 17 минг сўмлик турли хил пойафзаллар ишлаб берилди. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги 9 процент оширилди ва маҳсулот таннархи 5 процент камайтирилди.

Фабрика коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг социалистик саноатимизни янада тараққий этдириш тўғрисида чизиб берган программасини амалга ошириш ва партия XX с'ездини ишлабчиқаришда янги муваффақиятлар блан кутиб олиш мақсадида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган бирнеча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошираётир. Жумладан, эрканлар учун модель пойафзаллар тикишни ярим механик усулдан тўла механик усулга кўчириш ва маҳсулотнинг шу турини ишлаб чиқариш даражасини 1956 йил февраль ойигача камида 30 процент ошириш ҳамда унинг таннархини 4 процент камайтириш кўзда тутилмоқда.

7 ойлик планни 196 процент қилиб бажарган кўчма Қизил байроқли 3-нчи цех коллективи мана шу тадбирларни амалга оширишда катта ташаббус кўрсатмоқда. Бешинчи тикув ва 2-нчи штамплаш цехи ишчилари ҳам бу соҳада зўр ғайрат қилмоқдалар.

Меҳнат унумдорлиги ошмоқда

Тошкентдаги радиодеталь заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари йил бошидан бери давлат планларини ҳамма кўрсатгичлар бўйича ортиғи блан бажариб келмоқдалар. 1-нчи ва 2-нчи квартал планларини ошириб бажарган бу коллектив июль ойи планини ҳам ялпи маҳсулот бўйича 106,4 процент, товар маҳсулоти бўйича 110,6 процент қилиб бажаришга эришди. Меҳнат унумдорлиги 7 ой давомида 8,1 процент оширилди, маҳсулот таннархи эса 16 процентга яқин камайди.

Завод коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан руҳланиб, мавжуд механизмлар ва ишлабчиқариш майдонидан маҳсулот олишни кўпайтириш, технология процессларини такомиллаштириб, меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун ғайратига-ғайрат қўшиб ишламоқда. КПСС XX с'езди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган ишчи ва инженер-техниклар иш сур'атини кун сайин оширмоқдалар. Барча цехларда август ойининг биринчи ўнкунлиги юқори кўрсатгичлар блан якунланди.

Радиодетальчилар қишлоқ хўжалигига ҳам катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар «Чирчиқсельмаш» заводига кўрак териш машиналари учун бирнеча хил детальлар тайёрлаб бериш графигини тўла-тўкис бажариб келмоқдалар.

Илғор иш методларини қўлланиб

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ремонт-механика цехининг рандаловчиси, комсомол а'зоси Фориқ Аджиумаров ўзининг самарали меҳнати блан коллектив ўртасида катта ҳурмат қозонган. Уз иш участкасини намунали ташкил қилиш, станок ва асбоб-ускуналарни а'ло даражада тутиш ҳамда илғор иш методларини қўлланиш натижасида бу илғор ишчи шу бешйилликнинг ўзида 14 йиллик нормани бажаришга муваффақ бўлди. Шу давр мобайнида у, бирнеча қимматли рационализаторлик таклифлари киритди. Бу таклифлар рандалаш участкасида меҳнат унумдорлигини 2,5 ҳисса оширишга ва давлатнинг кўпгина маблағини тежаб қолишга имконият яратиб берди.

Шу кунларда Ўртоқ Аджиумаров бутун завод коллективи блан бир қаторда партиямиз XX с'езди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқда.

В. ПРИШЧЕПА.

Завод сентябрь ойи ҳисобига ишламоқда

Тошкентдаги «Автотракторадеталь» заводининг коллективи КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, ишлабчиқаришда юқори кўрсаткичларга эришди. Корхона ишчилари саккиз ойлик ишлабчиқариш программасини 26 июльдаёқ барча кўрсаткичлар бўйича бажарди. Заводда меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг июль ойига нисбатан 27 процент ошди. Маҳсулот таннархи планда кўрсатилган 14,2 процент ўрнига 19 процент камайди.

Ички резервлардан тўла фойдаланиш, рационализаторлик таклифларининг ишлабчиқариш процессига жорий қилиниши натижасида коллектив давлатнинг 400 минг сўмдан ортиқ маблағини тежади.

Корхонанинг илғор термистларидан Бухенко, Михайлов, темирчи-пресловчилардан Баймурзин, Гайтанов, формовщиклардан Муҳаммедшин, Старченко, слесарьлардан Дергачев, Филатов, Наумов каби ўртоқлар шу кунларда 1962-1963 йиллар ҳисобига ишламоқдалар. Бу пешқадам ишчилар смена нормаларини системали равишда икки-иккиярим баравар ошириб бажариш блан бирқаторда технология процессларини такомиллаштиришда, прогрессив иш методларини оммалаштиришда ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда ташаббускорлик кўрсатаётирлар.



Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводи СХС — 1, 2 маркали янги пахта териш машинасини ишлабчиқарабошлади. Ҳозир турли районлардан келган механизаторлар заводда янги машинани бошқариш йўлларини ўрганаётирлар. Суратда: механизатор-курсантлар, машина қисмларини ўрганмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

КОРЕЯ ОЗОД ҚИЛИНГАН КУННИНГ 10 ЙИЛЛИГИ

Москва шаҳри жамоатчилигининг тантанали йиғилиши

Москва жамоатчилиги Кореянинг Совет Армияси томонидан озод қилинган куннинг ўнйиллигини кенг нишонлади. Шу кунни нишонламоқ учун 13 августда Союзлар уйининг Колонна залида СССР Маданият министрлиги, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва Четэл блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти тантанали йиғилиш ўтказди.

Колонна залига Москва корхоналарининг илғорлари, кўзга кўринган олимлар, ёзучилар, рассомлар, Совет Армиясининг вакиллари, ўқучи ёшлар келдилар. Йиғилишда Москвадаги бирқанча элчихоналарнинг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Четэл блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти правлениесининг раиси А. И. Денисов қисқача кириш нутқи блан тантанали йиғилишни очди. Корея озод қилинган куннинг ўнйиллиги тўғрисида РСФСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. М. Пузанов доклад қилди.

— Янги, халқ Кореяси вужудга келганлигининг ўнйиллиги кунида, — деди ўз докладида ўртоқ Пузанов, — совет халқи қардош корейс халқига чин кўнгилдан ўзининг отаҳон саломини ва самимий табрикларини юборади.

Иккинчи жаҳон уруши жараёнида Корея территориясига кирган Совет Армияси корейс халқига ўз қаётини ўзи хоҳлагандай қуриш ва корейслар ўзлари учун энг мувофиқ деб ҳисоблайдиган ижтимоий-сиёсий тузум ўрнатиш имкониятини берди.

Ўртоқ Пузанов 1948 йилда Шимолий Кореяда Халқ-Демократик Республикаси тузилганлигини эслатди ва бу республикани халқнинг ўзи тузганлигини кўрсатди. Корейс халқи ўзининг янги давлатини астойдил севади ва унинг ютуқлари блан фахрланади.

Шимолий Кореяда вужудга келган халқ-демократик тузум мамлакатнинг ишлабчиқаручи кучларининг ривожланишига ва турмуш шароитининг систематик равишда яхшиланиб боришига кенг майдон очди. Шимолий Корея меҳнаткашлари қисқа тарихий муддат ичида Совет Иттифоқининг, Хитой Халқ Республикасининг ва халқ демократияси мамлакатларининг қардошларча ёрдами блан сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришилар. Совет халқи қардош корейс халқининг меҳнат соҳасидаги шонли ғалабаларини завқ ва муҳаббат блан кузатиб бормоқда. Корейс халқининг ўз ватанини юксалтириш учун курашдаги қаҳрамонона ишларига совет халқи самимий хайрихоҳлик блан қарамоқда.

— Биз, совет кишилари,—деди докладчи, — ўз бахтининг ижодкори бўлган корейс халқига чин кўнглимиздан яна катта муваффақиятлар тилаймиз. Корейс халқи олижаноб иш учун астойдил курашмоқдаки, биз бу ишнинг тўла муваффақият қозонишига ишонамиз. Биз, ўзимизнинг корейс дўстларимизга яна бир марта қувонч блан айтамизки, мамлакат экономикасини ва маданиятини тиклаш ҳамда ривожлантириш соҳасидаги катта ижодий меҳнатда, шунингдек бундан буён ҳам демократик негизда тараққий этиш ишида Совет Иттифоқи корейс халқини ҳамма вақт қардошларча қўллаб-қувватлайди.

Корея Халқ-Демократик Республикасининг Москвадаги фавқулодда ва муҳтор элчиси Ли Сан Чо йиғилишда нутқ сўзлади.

Тантанали йиғилишдан кейин катта концерт бўлди. (ТАСС).

Ҳиндистон мутахассислари делегацияси Москвага келди

Ишлабчиқариш министрининг ўринбосари С. С. Кер бошчилигида ўнбир кишидан иборат Ҳиндистон мутахассислари делегацияси Москвага келди.

Делегация Ҳиндистонда металлургия заводи қуриш тўғрисида СССР Ҳукумати блан Ҳиндистон Ҳукумати ўртасида Битим тузилганлиги муносабати блан Совет Иттифоқида қора металлургия ва оғир машинасозлик корхоналарининг иши блан танишиш учун келди. (ТАСС.)

Новосибирск давлат опера ва балет театрининг ходимлари орден ва медальлар блан мукофотландилар

Совет музика сан'ати соҳасидаги катта хизматлари учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармони блан Новосибирск давлат опера ва балет театри ходимларидан бир группаси орден ва медальлар блан мукофотланди.

Опера солисти РСФСР халқ артисти В. П. Арканов-Лизунов ва бош дирижёр РСФСРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби М. А. Бухбиндер Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотланди. О. И. Грантовский, Ю. В. Гревцов, В. Н. Денисов, С. В. Земальнов, А. Д. Иванов, С. Г. Иванов, А. А. Копилов, А. И. Морозов, В. И. Сорочинский, Г. А. Чебоксаров, Е. О. Яновский «Хурмат Белгиси» ордени блан мукофотландилар.

Булардан ташқари 32 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсаттани учун» медали блан мукофотланди.

Колхозларга оталик ёрдамини кучайтирайлик

Марказий район корхоналари ва муассасаларининг коллективлари 1954 йилнинг кўкламида Пискент районидаги 14 колхоз ва икки МТСни оталикка олган эдилар. Ана шундан буён ўтган давр ичида қолоқ ва камқувват колхозларга ёрдам бериш юзасидан бирмунча ишлар қилинди.

Район корхоналари ва муассасалари коллективларининг ёрдами туфайли Пискент районининг колхозларида бу йил чигит ва бошқа экинлар ҳар йилгидан бирмунча эрта экиб тамомланди. Айниқса оталиқдаги колхозларда чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулодорлигини оширишни кўзда тутиб, силос иншоотлари қурилишида уларга яқин ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг коллективи Охунбобоев номли колхозга 300 тонна силос сиғадиган ва темир-бетондан ишланган иккита намунали силос иншоотн, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги, Ўзбекэнергонинг «ТашРЭС»и ва махсуслаштирилган корхонаси коллективлари Каганович номли колхозга ҳарбирига 150 тоннадан силос сиғадиган 3 силос иншоотн қуриб бердилар. Ўзбекистон ССР Кенг истеъмол саноати моллари министрлигининг коллективи оталиқдаги Андреев номли колхозга силос иншоотлари ва чорва бинолари қурилиши учун 10 кубометр ёғоч-тахта, 3 тонна цемент, 8000 дона пишиқ ғишт бериш блан бирга, колхозга қурилиш ишчилари ва прораб ҳам юборди.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат товарлари саноати министрлигининг коллективи ҳам ўз оталигидаги Молотов номли колхозга силос иншоотлари, янги типдаги молхона қурилишида катта ёрдам кўрсатмоқда.

Оталикка олинган колхозларга автотранспорт ва одам кучи блан ҳам каттагина ёрдам кўрсатилаётир. Ҳозир район корхоналари ва муассасаларидан юборилган 20 машина ва 200 га яқин киши силос тайёрлаш ва ем-хашак жамғаришда оталиқдаги колхозларга ёрдам бермоқдалар.

Бундан ташқари Пискентга 3 лектор, кутубхона, 5 фотомонтаж, 500 дона «Жанговар варақа» бланкаси юборилди. Район соғлиқни сақлаш ташкилотлари Пискент район соғлиқни сақлаш бўлимига аҳолига медицина хизматини яхшилашда ёрдамлашиш учун малакали 4 врачни командировка қилди.

Колхозларни оталикка олган кўпчилик корхона ва муассасалар колхозларга кўпинча автотранспорт, материаллар, айрим асбоб-ускуналар блан ёрдам кўрсатмоқдалар. Бу, албатта зарур ва муҳим ёрдам. Аммо колхозларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, колхоз бошланғич партия ташкилотларига колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни йўлга қўйишда ёрдамлашиш масаласига мутлақо э'тибор берилмаётир.

Шуни айтиш керакки, колхозларга оталик қилаётган муассаса, корхоналарнинг раҳбарлари колхозда бирон тадбирни амалга ошириш вақтида фақат правление раиси ва колхоз партия ташкилотининг секретари блангина иш кўрадилар-у, колхозчиларни эсдан чиқариб қўядилар, улар блан бевосита биргалашиб ва бамаслаҳат иш қилмайдилар.

Энг катта камчилик шуки, кўпчилик корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари ўз оталикларидаги колхозлар блан системали равишда алоқада бўлиб турмайдилар, оталикка олинган колхоздаги ишнинг аҳволи блан яхши танишиб бориш ва бу ҳақда корхона ҳамда муассаса коллективини хабардор қилиб туришга э'тибор бермайдилар. Шундай қилиб, кўпинча, оталикка олинган колхоз блан уни оталикка олган корхона ва муассаса ўртасидаги алоқа фақат икки томоннинг раҳбарлари ўртасидаги алоқадангина иборат бўлиб қолмоқда. Бу муҳим ишда бутун коллективнинг актив иштирок этиши та'минланмаётир. Бу эса оталик ёрдамининг моҳиятини камайтиради, уни расмият учун қилинаётган ишга айлантиради.

Колхозларга оталик ёрдами беришда йўл қўйиб келинаётган камчиликларга барҳам бериш учун ҳозир қатор амалий тадбирлар белгиланмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган район партия активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети январь ва июль Пленумларининг қарорларини амалга оширишда Пискент районининг колхозларига оталик ёрдамини янада яхшилаш ҳақида махсус масала муҳокама қилинди. Йиғилиш айниқса ҳосил тўплаш даврида, шунингдек мўл нахта ҳосилини нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга топширишда, чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш ва уларни қишдан соғлом ва семиз чиқаришни та'минлашда колхозларга оталик ёрдамини кучайтириш зарурлигини кўрсатди.

Республика ва область газеталарида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг республикадаги барча колхозчиларга, совхоз ва МТСларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг барча мутахассисларига қарата э'лон қилинган Мактубида нахта мўл ҳосили учун курашнинг ҳал қилучи даври бўлган август ойида гўза парваришини янада зўр бериб давом эттириш юзасидан кўрилиши лозим бўлган конкрет тадбирлар белгиланган. Колхозларни оталикка олган коллективлар ва партия ташкилотларининг бурчи — юқоридаги Мактубни колхозчилар ва МТС ишчилари ўртасида кенг тушунтириш ҳамда унда кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда колхоз ва МТС партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришдан иборатдир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми ва институтлари, Тошкент қишлоқ хўжалик институти ҳамда қишлоқ хўжалиги блан бевосита алоқада бўлган бошқа илмий-текшириш институтларининг коллективлари районда гўзанинг ривожланиши ва аҳволи блан танишиш, гўза парваришини яхшилаш юзасидан қандай тадбирлар кўриш ҳақида маслаҳатлашиш учун нахтачиликни яхши биладиган ходимларни Пискент районига юбордилар. Бундан ташқари далачилик бригадаларида дала шийпони ташкил қилиш ва уларни оммавий-сиёсий ишларнинг марказига ҳамда колхозчиларнинг маданий дам олиш жойига айлантиришда ёрдам берилади. Бу ишда район корхоналари ва муассасаларидан 116 таси иштирок этади. Шу блан бирга улар далада ишни кучайтириш юзасидан бригадаларга зарур ёрдам ҳам берадилар. Оталик ёрдамини бевосита бригадада, я'ни ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган жойда ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, корхона ва муассасалар томонидан бригадаларга оталик қилиш бу ишни колхознинг ишлабчиқариш участкаларига бевосита яқинлаштиради. Бу усул ишдаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва уни бартараф қилиш юзасидан зарур чоралар кўриш имкониятини беради.

Колхозларга оталик қилаётган корхона ва муассасаларнинг партия ташкилотлари колхоз партия ташкилотларига гўза парваришини ва нахта йиғим-терими даврида оммавий-сиёсий ишлар юзасидан иш плани тузишда ёрдам берадилар.

Илмий ва сиёсий билимлар тарқатучи республика жамиятининг партия ташкилоти жамиятнинг район бўлими ишини яхшилашда ёрдам кўрсатиш учун икки ходимни юборди. Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг партия ташкилоти Киров номли колхозда болалар яслиси ташкил қилишга киришди.

Яқин кунларда район колхозларига икки агитмашина юборилади. Қишлоқ аҳолиси ўртасида совет адабиётининг энг яхши асарларини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон ёзувчиларининг колхозчилар ва МТС ишчилари блан учрашуви уюштирилади.

Район партия комитетининг пленуми Навоий номли опера ва балет, М. Горький номли давлат рус драма театрлари ва Ўзбекистон давлат филармонияси артистларининг системали равишда колхозларга чиқиб туришлари, колхозчиларнинг далада маданий дам олишини уюштириш ва колхоз бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг ишини яхшилашда колхоз правлениелари ва партия ташкилотларига ёрдам беришларини та'минлаш вазифасини қўйди. Шунингдек, корхона ва муассасалар ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг а'золари ҳам колхозларга тез-тез бориб, колхозчиларга маданий хизмат кўрсатиб турадилар.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги радио эшитириш тормоги коллективи 1955 йилнинг охиригача Ворошилов номли, Шверник номли ва Маленков номли колхозларни тўла радиолаштириш мажбуриятини олди.

«Ўзбекэнерго»нинг ремонт заводи, Средазуглегеология, алоқа транспорт конторасн, Ильич номли завод, Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлиги, 93-нчи қурилиш трести, геология бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг коллективлари нахта йиғим-терими бошланғунча колхозларнинг 20 дан ортиқ автомашинасини, аккумулятор заводининг коллективи эса ячки имкониятлар ҳисобига райондаги автомашиналар учун 50 дона аккумуляторни ремонт қилиб бериш мажбуриятини олдилар.

Нахта йиғим-теримига муносиб тайёргарлик кўриш ва МТСлардаги нахта ва кўрак териш машиналарини тахт қилиб қўйиш мақсадида корхоналарнинг коллективлари бир ойлик муддат блан 20 слесарьни, Давлат махсус нахтачилик конструкторлик бюроси (ГСКБ)нинг коллективи эса, техника ёрдами кўрсатиш учун икки техникни Пискент районига юбордилар. Бундан ташқари ГСКБ коллективи МТС механизатор кадрларини ўргатиш мақсадида район колхозларидан бирида ўз кучи ва техника воситалари блан намунали нахта теришни ташкил қилади.

Шунингдек, райондаги йўл ва кўприкларни ремонт қилиш ҳамда тартибга солиш, колхоз қишлоқларини электрлаштириш, район маркази блан колхозлар ўртасидаги телефон алоқасини тартибга солиш, колхозларнинг бухгалтерияларида ҳисобот ишларини яхши йўлга қўйиш, ишлабчиқаришни планлаштириш масалаларида амалий ёрдам уюштирилади.

Марказий район корхоналари ва муассасалари Пискент районининг колхозларига ёрдамни тобора кучайтириб, уларни яқин вақт ичида қолоқликдан чиқариш учун барча чораларни кўражаклар. Шу мақсадда КПСС Марказий Комитети январь ва июль Пленумларининг тарихий қарорларини тўла амалга ошириш, нахтадан мўл ҳосил етиштириш ва давлат нахта тайёрлаш планини муваффақият блан бажариш учун район колхозларига берилаётган ёрдамни тобора кучайтирамиз.

А. ШКУРАТОВ,

Ўзбекистон КП Марказий район комитетининг секретари.

Оржоникидзе район матлубот союзи район территориясидаги колхозларда бешта янги қишлоқ магазини қуриб, ишга туширди. Бу магазинларга кўп миқдорда саноат ва озиқ-овқат маллари келтирилмоқда. Суратда: Сталин номли колхозда қурилган янги магазин.

В. Сироткин фотоси.

Депутатларнинг ҳисоботи

Ҳозир республикамизнинг пойтахтида сайловчиларнинг оммавий йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда шаҳар ва район Советининг депутатлари ҳисобот бермоқдалар. Ленин районидаги 93-нчи мактаб биносида шаҳар Советининг депутати, «Под'ёмник» заводи директори ўртоқ Т. Содиқов сайловчилар олдида ҳисобот берди.

Сайловчилар кўпчилик наказларида, уй-жой ва маданий-маиший қурилишларни тезлатиш, янги мактаблар, болалар ва медицина муассасалари қуриш, сув блан та'минлашни, трамвай ва троллейбус қатновини яхшилаш тўғрисидаги масалаларни қўйган эдилар. Депутат анашу соҳада қилинган ишларни айтиб берди.

Йилнинг биринчи ярми ичида Тошкент шаҳарида уй-жой қурилишига ўтган йилнинг шу даврдагига қараганда деярли икки баробар кўп маблағ, я'ни 43 миллион сўм сарфланди. Шу давр ичида меҳнаткашларнинг 200 га яқин уйи ремонт қилинди, 8 километрга яқин водопровод қурилди, ўнларча водопровод колонкалари ўрнатилди. Шаҳар транспорти ҳам бирмунча ривожланди — янги трамвай линияси қурилди, бешта янги троллейбус ишга туширилди. Шаҳар транспорти планда белгиланган 4 миллиондан ортиқ киши ташиган.

Сайловчилар йиғилишда сўзга чиқиб, депутатдан уй-жой қурилиши сур'атини кучайтириш, Тезиков дачаси томонидаги йўлларни ободонлаштириш, тротуар ва кўприкларни тузатиш, Будённий кўчасига асфальт ётқизиш ишида ёрдам беришни талаб этдилар. 93-нчи мактабда синфлар етишмайди. Лекин шунга қарамай мактабда халқ маорифига мутлақо даҳли бўлмаган кишилар хоналарни эгаллаб келмоқдалар. Сайловчилар буни ҳам уддириб ўтиб район территориясида бирқанча қўшимча автомат телефон аппаратлари ўтказилишини талаб этдилар.

Сайловчилар Октябрь район ижроkoми раисининг ўринбосари депутат ўртоқ Краснов ҳисоботида, айниқса актив қатнашдилар. Сайловчилардан Усмонов, Мирзаев, Газарбекова ва бошқа ўртоқлар қилинган ишларни такидлаб, шу блан бирга депутат олдига бир қатор янги талаблар қўйдилар. Улар Гул-бозор ва Вилоят кўчаларига асфальт ва тош ётқизишни сурадилар. Уй-жойларни ремонт қилиш сифатини яхшилаш, темирчилик устахоналарини меҳнаткашларнинг уй-жойлари жойлашган ердан узоқроқ бошқа жойга кўчириш масаласини ҳам кўтардилар.

Л. М. Каганович номли завод партия комитетининг секретари, депутат ўртоқ Светленко ҳисоботига бағишланган йиғилишда жуда кўп сайловчилар қатнашдилар. Завод ётоқхонасининг боғига 500 дан ортиқ киши тўпланди. Депутат ўз иши ва Совет фаолияти ҳақида бирма-бир гапириб берди. Шундан кейин заводнинг ишчилари бирин-кетин сўзга чиқдилар. Сайловчилар болалар муассасалари қурилишини тезлатишни, ўқучилар учун ўқув китобларини ўз вақтида чиқариш масаласини тегишли ташкилотлар олдига қўйишни депутатдан талаб қилдилар.

Депутатлардан врач Тешабоева, Ленин район саноат комбинатининг директори Йўлдашева, медицина ҳамшираси Чистякова ўртоқлар ҳам ўз сайловчилари блан учрашдилар.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

Депутатлар блан учрашув

Яқинда Тошкент шаҳар Советининг депутати ўртоқ В. Чистякова, Октябрь район Советининг депутати Ҳ. Орипова, И. Бахромов ўртоқлар «Ленинчи» маҳалласининг меҳнаткашлари блан учрашдилар.

Депутат В. Чистякова ўз ҳисоботида партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг моддий-маиший ва маданий турмушини янада яхшилаш тўғрисида узлуксиз ғамхўрлик қилаётганликлари туфайли турмушимиз кундан-кун қувноқ бўлиб бораётганини айтди. Район мактаблари, — деди у, сифатли ремонт қилинди, меҳнаткашларнинг мактаб ёшидаги болалари тўла-тўкис рўйхатга олинди. Меҳнаткашларнинг маданий савияси ўсиб бормоқда, уларга райондаги 4 маданият уйи, ўндан ортиқ кутубхона хизмат қилмоқда.

— Район Совети,—деди депутат Ҳ. Орипова, — сайловчиларнинг наказларини бажариш соҳасида бирмунча амалий ишлар қилмоқда. Соғлиқни сақлаш иши анча яхшиланди, янги поликлиника ва амбулатория қурилди, 1-нчи қасалхона ҳузурида қон олиш пункти ташкил этилди. Яқин вақт ичида Сагбон кўчасида 200 — 300 ўринли болалар боғчаси қурилабошлайди.

Сайловчилардан Обид Одилов, Наби Аҳророўжаев, Тўра Бобоўжаев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, маҳалла ва районни обод бўлаётгани учун партия ва ҳукуматга ўзларининг самимий миннатдорликларини изҳор этиш блан бирга, ўз депутатларидан маҳалла кўчаларини ремонт қилиш ва электр чироқлари блан ёритиш ишига ёрдам беришларини талаб этдилар.

Ю. ШОМАНСУРОВ.

ОҲАНГАРОНДА

СТУДЕНТЛАР ШАҲАР КОРХОНАЛАРИДА

Шаҳарнинг кўмир корхоналарида мамлакатимиз тоғ институтлари ва техникумлари студентларидан 250 киши ишлабчиқариш практикасини ўтказмоқда. Практикантлар орасида Москва, Ленинград ва Новочеркасск тоғ олий ўқув юртлари студентлари бор.

Ураллдан келган Коркинский ва Карпинский тоғ техникумлари, Тошкент тоғ техникуми студентлари ҳам шахта ва разрезларда муваффақият блан практика ишларини олиб бораётирлар. Поляк студентларидан С. Замбовский ва Я. Суховская ўртоқлар кўмир разрезида дипломли практикасида актив қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Москва, Куйбишев ва Новосибирск инженер-қурилиш институтларининг бир группа студентлари шаҳардаги янги қурилишларда мастер, инженер-геодезист ва планлаштирувчи бўлиб меҳнат қилаётирлар.

ҚУРУЧИЛАР ШАҲАРЧАСИДА

Яқинда ҳувиллаб ётган чўл баҳрида ҳашаматли қуручилар шаҳарчаси бинолари қад кўтарди. Бу ердаги амбулатория, мактаб, бирнеча магазин, ошхона, кутубхона, кинотеатр, болалар боғчаси ва яслиси шаҳарча ҳуснини янада кўркамлаштирган. Почта ва телеграф учун ижжиқаватли бино қурилиши тамомланди.

Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда қад кўтараётган ижжиқаватли турар-жойларга бир ой ичида 50 дан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг оилалари кўчиб кирди. Квартираларда электр чироқлари, ичитиш воситалари, водопровод ва канализация бор.

Яқин кунлар ичида саккиз хонали 3 бино фойдаланишга топширилади. Ҳаммом ва 500 ўринли клуб биноси қуриб битирилади.

ҮНБЕШМИНГ КИТОБХОН

Шаҳарда 85 минг томли китоб фондига эга бўлган 20 дан ортиқ кутубхона ишлайди. Кутубхоналарнинг китобхонлари кончилар, қуручилар, темирйўлчилар, энергетик ва ўқучилардан иборат бўлиб, 15 минг кишини ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги шу йилнинг ўтган ойлари ичида 40 — 50 тадан турли китобларни ўқиб тамомладилар.

Шахтер Братерский, 9-нчи шахта мотористкаси Моторина, электросварщик Харитонов, паровоз машинисти Мороз ва бошқа ўртоқлар актив китобхон ҳисобланадилар.

«Шахтер» клуби кутубхонасининг ўқиш зали ҳамиша гавжум бўлади. Бу ерда мунтазам равишда фотомонтаж, тематик виставка ва бошқалар ташкил этилиб туради. 9-нчи шахта кутубхонасининг ўқиш залида ҳам техникага доир адабиётлар изчиллик блан пропаганда қилиб борилмоқда. Стендларга тоғ ишига доир китоблар, кончиларнинг илғор тажрибалари тўғрисидаги брошюралар қўйилган.

Шаҳар кутубхонаси китоб пропагандасини яхши йўлга қўйган. Кутубхонада шу кунгача 20 дан ортиқ адабий кеча, китобхонлар конференцияси ва бошқа темаларда лекция ўтказилди.

Шаҳар кутубхонаси ходимларининг ташаббуси блан саноат корхоналари ва ёшлар интернатларида 24 та кўчма кутубхона ташкил этилди.

КИНОФЕСТИВАЛЬ

Совет кончиларининг традицион байрами — шахтерлар куни муносабати блан август ойида кончилар кинотеатри клубида шахтерлар ҳаёти ва меҳнат муваффақиятларига бағишланган кинофильмлар фестивали ўтказилади.

Фестиваль программасига «Дон шахтерлари», «Катта ҳаёт», «Сентябрь кечаси» каби совет кончиларининг шонли меҳнатини ҳикоя қилучи фильмлар киритилган.

Я. ПАВЛОВ.

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

Тўқимачилик саноатига кўплаб мукаммаллаштирилган машиналар етказиб берамиз

Мамлакатимизда техника прогресси учун кураш коммунизм қуриш учун кураш демакдир. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ишлабчиқариш новаторлари ва олимларнинг, технолог ва конструкторларнинг ижодий ғайратини анча мукаммаллаштирилган машиналар, станоклар ва механизмлар яратишга, оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган иш процессларини автоматлаштиришга, янги технология процессларини дадиллик блан ишлабчиқаришга жорий қилишга, корхоналарнинг ишлабчиқариш қувватидан тўғри ва рационал фойдаланишга сафарбар қилишни энг муҳим вазифа қилиб қўйди.

Партиямизнинг ана шу кўрсатмалари йўлида, пиштив ва ровничий машиналар ишлабчиқаручи «Таштекстильмаш» заводи учун ҳам тараққиёт ва техника прогрессига эришиш йўлида қўлланмадир.

«Таштекстильмаш» заводи маркаси блан чиқарилган машиналар ҳозир Совет Иттифоқининг Тошкент, Москва, Ленинград, Рига, Ашхобод, Каунас, Тбилиси каби шаҳарларидаги ҳамда бирнеча халқ демократияси мамлакатларидаги тўқимачилик фабрика ва комбинатларида муваффақият блан фойдаланилмоқда. Завод коллективи ўз маҳсулотининг ана шундай кенг масштабда қўлланилишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқарилаётган машиналарни систематик равишда модернизация қилишга алоҳида э'тибор бермоқда.

Бу соҳада завод конструктор ва технологлари, инженер ва техниклари янги, фойдаланишга қулай, юксак иш унумли, мустаҳкам, камгабаритли ва арзон машиналар проектини яратиш ҳамда уларни тайёрлашнинг қулай усулларини ишлабчиқиш, бошқа корхоналарда ихтиро' қилинган янги машина нуқсаларини ўзлаштириш устида самарали ишлар олиб бормоқдалар.

Масалан, сўнгги 3 йил ичида «П 66—2» маркали йигирув машинаси янги талаблар асосида 3 марта модернизация қилиниб, унинг осма ғалтакли рамкаси комплект шпилька рамкаси блан алмаштирилди, иш аппаратларининг системаси яхшиланди, машинанинг муҳим қисмлари ҳисобланган ва тайёрланиши қийин бўлган рифленний цилиндр, туника барабанлар, ошойка валиклари ва втулкаларни ишлабчиқариш бирмунча ихчамлаштирилди. Натижада машинанинг иш унумдорлиги бирнеча ҳисса ортди, ҳамда ундан фойдаланиш муддати ўзайтирилди.

Ровничний машина ишлаб чиқаришда завод инженери ўртоқ Зарубин кашф этган нагрузка системасини жорий қилиш орқасида ҳарбир машина 600 килограмм енгиллашди. Бу қимматли ихтиро' ҳар ойда юзлаб тонна қимматли металлни тежаб қолиш ва ўнлаб қўшимча машина ишлаб чиқариш имкониятини яратиб берди.

Ўтган йили завод «П83 — Ш» ва «П114 —Ш» маркали янги йигирув машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди ва улардан икки серия тайёрлаб берди. Натижада мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида шу пайтгача ишлатилиб келинган инглиз сельфакторлари манашу янги, юқори иш унумли станоклар блан алмаштирилмоқда. Биз ишлаб чиқараётган бу янги жун йигирув машиналари инглиз сельфактор станокларига қараганда 3— 4 ҳисса кам жой эгаллайди, эскиси сингари периодик эмас, узлуксиз ишлайди.

1954 йилнинг охири ва 1955 йилнинг бошларида Тошкент машинасозлари тўқимачилик саноатимизни яна бир янги, мукаммал машина блан бойитишга муваффақ бўлдилар. Узун толали жунларни йигирадиган «П66—3» маркали бу машина ўзининг камгабаритлилиги, иш унумдорлигининг юқорилиги ва бракнинг жуда кам бериши жиҳатидан шу хилдаги аввалги агрегатдан анча афзалдир. Барнаул, Херсон ва Камишин шаҳарларида қурилаётган тўқимачилик корхоналарида ҳам анашу станоклар монтаж қилинмоқда.

Биз йил охиригача чет мамлакат фермаларида ишлаб чиқарилаётган энг яхши машиналардан қолишмайдиган ўнбир хил янги машина тайёрлашимиз лозим. Ҳозиргача шундан 3 хилини тайёрладик. Булар «ЛК1 — Эк» маркали оғир типдаги литцекрутильная, «П76—ШГ» маркали тараш-йигириш ва «Р260—И» маркали йўғон пилта тайёрловчи машиналардир. Уларнинг дастлабки нусхаларини Главлегмаш комиссияси яхши баҳога қабул қилди ва ҳозир тўқимачилик фабрикаларида узоқ муддатли синовдан ўтказилмоқда. «Р260—И» станогимиз Москвадаги «Красное Знамя» фабрикасида ишлаб чиқариш синовидан муваффақият блан ўтди ва юқори баҳо олди.

Шу кунларда бу ҳар уччала янги машиналарни серияли ишлаб чиқариш учун тайёргарлик ишларини кўрмоқдамиз.

Ҳаммалан ҳам махсус конструкторлик бюроси конструкторлари томонидан проекти ишлаб чиқилган янги пилла йигириш агрегати машинасозлар ва тўқимачиларни жуда хурсанд қилди. Бугдаш, титиш ва йигириш машиналаридан иборат бўлган бу комплекс агрегат совет конструкторларининг катта ютуғи бўлди. Шу пайтгача пилла йигириш иши қўл кучи блан юқори малакали ишчилар томонидан бажарилар эди. Бу операция анча қийин бўлиб, шу ишда узоқ вақт ишлаб келган ишчининг қўли касалликка учрар эди. Янги агрегатнинг қўлланилиши анашу оғир ишни тўла автоматлаштиришни, бирнеча ишчини бошқа ишларга кўчиришни ва шу участкада санитария-гигиена шароитини тубдан яхшилашни та'минлайди. Унда пиллани титиш блан боғлиқ бўлган ҳамма процесслар ҳам автоматик равишда бажарилади. Ипларни белгиланган йўғонликда тайёрлаш ва учини топиш ҳам пневматик релс деб аталадиган механизм воситаси блан қилинади. Шундай катта ва кўп операцияларни бажарўчи агрегатни бир оддий ишчи бошқариб боради. У ҳам пешонасини терлатиб, қўлини чарчатиб ишламайди, ундан фақат иш вақтида агрегатнинг узлуксиз ишлашини кузатиб бориш, уни бир ме'ёрда хомаш'ё блан та'минлаб туриш талаб қилинади, халос.

Ҳозир биз анашу қимматли агрегатнинг бирнеча асосий қисмларини, жумладан 2 та титув машинасини, ўраш автоматини, ва қуритиш шкафини тайёрлаб Главлегмаш комиссиясига топширдик. Бу дастлабки нусхалар синаб кўриш учун Марғилон шоҳи комбинатига юборилди. Конвейер типидаги бугдаш машинасини йигим ишлари яқиндагина тамомланди. Агрегатнинг асосий бир бўлими бўлган бу машина турли температурадаги ванналардан ва душ ускуналардан иборат. Шу ванна ва душхоналардан ўтган пилла толаси шу даража юмшайдики, қатто уни ўрашга тайёрлаш учун ҳеч қандай ишлов бермай, тўғридан-тўғри ўрайвериш мумкин.

Шунингдек, нахта толаларини ҳўллаб ва қуруқ пиштиладиган камгабаритли икки хил янги машина ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирмоқдамиз. Ҳозир «К66 — 1» ва «КМ66 — 1» маркали бу станокларнинг ҳамма детальлари ишлаб чиқарилди ва уларни йиғишдаяпмиз. Бу станоклар заводимизда шу пайтгача ишлаб чиқарилаётган пиштитиш машиналарига қараганда анча афзалликларга эга. Буларнинг габарити кичик бўлиши блан бирга айланадиган қисми, ғалтак рамкаси, айланма планка ва бошқа узеллари анча мукаммаллаштирилган, уларга ип узилса станокни ҳаракатдан тўхтатадиган асбоб, шариноподшипниклар ҳаракатини яхшилайдиган махсус роликлар ўрнатилган. Айниқса, янги станокларнинг кам жойни эгаллаши мавжуд ишлабчиқариш майдонининг ҳарбир квадрат метридан олинадиган маҳсулотни анчагина нисбатан анча ошириш имконини бериши катта аҳамиятга эга.

Шубҳасиз, бу ютуқлар биз машинасозларни қувонтиради. Биз қанча кўп янги, мукаммал машина ишлаб чиқарсак, тўқимачилик саноатимиз, қолаверса социалистик экономикамиз шунча кўпроқ равнақ топади. Ана шу олижаноб мақсад бизларни ўз ишимизга кўпроқ танқидий қарашга даъват этади. Шу нуқтаий назардан қараб, ўз ишимизга холис баҳо берсак, ҳали ишимизда бирқанча жиддий камчиликлар борлигини та'кидлашимиз керак. Биз ишлаб чиқараётган айрим машиналар, жумладан «П76 — 2», «П83 — 2», «РТП — 192», «РПТ — 168», «РТ — 132» маркали машиналар техник кўрсаткичлари жиҳатидан четелларда чиқарилаётган шу хилдаги машиналарнинг энг яхши нусхаларидан устун эмас, балки қолоқдир. Ба'зи конструкторларимизнинг магрурланиб, кибрланиб кетганлиги туфайли совет машинасозларига чет элларда эришилган даражадан паст кўрсаткичларга эга бўлган машиналар конструкцияси тақдим этилмоқда. Бирнеча янги станоклар конструктив ҳал қилиниши, детальларни қўлланиш характери, илғор иш методлари (босим кучи блан қуйиш, металлокерамик қирқув асбобларини қўлланиш) жиҳатидан четэл техникаси даражасидан орқада қолмоқда. Бу, совет конструкторлари ша'нига яхши эмас, албатта. Шунинг учун ҳам КПСС МК июль Пленумида ўртоқ Булганин Машинасозлик ва асбобсозлик саноати министрлигида янги техника намуналарини ихтиро' қилиш ҳамда уларни ишлабчиқаришга жорий қилиш ишларининг ҳозирги юксак талабларга жавоб бермаётганлигини қаттиқ танқид қилди. Шу сабабли бизнинг коллектив ҳам Пленум қарорлари асосида ҳозиргача ишлаб чиқарилаётган ровничний ва йигирув машиналари конструкциясини йил охиригача қайта кўриб чиқиш ва уларни энг янги техника талабига тўла жавоб берадиган даражада модернизация қилиш ишига киришиши лозимлиги очиқ-ойдин кўриниб қолди. Биз мазкур машиналарнинг айрим узелларини тубдан ўзгартиришимиз керак. Буни йил охиригача бажаришни мўлжалламоқдамиз.

Шу блан бирга завод конструкторлари асос ва арқоқ ипларн йигирадиган «П66—5» маркали камгабаритли, янги машина конструкциясини четэл ва совет тўқимачилик машинасозлиги саноатининг энг сўнгги эришган даражаси асосида такомиллаштириш ва ишлабчиқаришни ўзлаштириш учун жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Улар дун'ёда биринчи марта камгабаритли, узун толаларни чўзиб йигирадиган машина ишлаб чиқаришни мўлжалламоқдалар. Бу машина шарикли подшипникларига босма валиклар ва бошқа бернеча янги мосламалар ўрнатиш кўзда тутилаётир. Бу машинадан фойдаланиш муддатини узайтиради, ғалава ишлаб чиқаришни, унинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилашни та'минлайди.

Махсус Конструкторлик бюроси ходимлари «РТТ — 168 — 2» маркали янги ровничний машина конструкциясини яратиш устида ишламоқдалар. Шу пайтгача ишлаб чиқарилаётган ровничний машиналар ҳаракат вақтда баланд овоз чиқариб ишлайди, бу эса ишчиларнинг тез чарчаб қолишига сабабчи бўлаётир. Янги «РТТ — 168 — 2» станогида пилтани урчуқларга узатиш овоз чиқармайдиган винтли шестернялар воситаси блан бажарилади. Станокка босма валиклар, ровница узилгудек бўлса, машинани ҳаракатдан тўхтатадиган автомат, овоз ютучи пневматик асбоб сингари бирнеча механизмлар ўрнатилади. Шу янги машина конструкцияси асосида йил охиригача табиий ва сун'ий ипакларни пилта қиладиган ровничний машиналар конструкциясини ишлаб чиқиш, пахтадан пилта қиладиган машинани модернизация қилиш ҳам олдимизда турган асосий вазифалардандир.

Корхонада янги ва илғор технологияни жорий қилиш, янги-янги ишлабчиқариш участкаларини ташкил қилиш ва мавжудларини мослаштириш, кўпгина ускуналарни янгилаш ишларини ташкил қилмасдан туриб бундай мас'улиятли, аммо шарафли вазифаларни бажариш мумкин эмаслиги турган гап. Биз ҳозир анашу мақсадда бирқанча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Янги пластмасс участкасини фойдаланишга топшириш учун монтаж ишлари олиб борилмоқда, қолипларга пўлат эритмасини аниқ қуйиш участкасини ташкил қилиш ва янги қуйиш агрегатлари ўрнатиш учун тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Эритмаларни қобиқли формаларга қуядиган яримавтомат агрегатни ҳам яқин кунлар ичида ишга туширамиз.

Умуман, заводимиз коллективи тўқимачилик саноатимизга кўплаб мукаммаллаштирилган машиналар ишлаб бериш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Шубҳасиз, биз партия ва ҳукумат томонидан машинасозлар зиммасига юклатилган янги вазифаларни бажаришда муносиб ҳисса қўшиш учун янада зўр ғайрат блан курашамиз.

Е. ГЛУШЧЕНКО,

«Таштекстильмаш» заводининг бош инженери.

Луб экинлари парваришини сифатли ўтказайлик

Юқоричирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз а'золари ҳар йили каноп ва жутдан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Колхоз ўтган йили гектаридан 89 центнердан жут топшириб, давлат планини 210 процент бажарди. Натижада колхоз катта даромадга эга бўлди. Колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига 29 сўмдан ортиқ пул ва кўп миқдорда ғалла тақсимланди. Колхозчилар бундай катта ютуққа мавжуд резервларни тўла ишга солиш ва фидокорона меҳнат қилиш орқали эришдилар. КПСС Марказий Комитети Пленумлари ва партия, ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларидан илҳомланган колхоз а'золари бу йил гектаридан 100 центнердан каноп ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар. «Правда» ва «Политотдел» колхозларининг а'золари ҳам гектаридан 80 — 100 центнердан каноп, жут ҳосили етиштириш мусобақасига қўшилганлар. Меҳнатсевар колхозчилар ғайрат блан ишлаб социалистик мажбуриятни ошириб бажарадиган даражада ҳосил етиштириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Каноп, жут экинлари агротехника қоидаларига мувофиқ намунали парвариш қилинаётир. «Ленинский путь» колхозида луб экинлари 3 марта комплекс парвариш қилинди. Шунинг учун ҳам ҳосил кўпайди ва каноп барвақт пишди. Колхоз каноп ҳосилини ўришни оммавий равишда бошлаб юборди. Юқори ҳосилли айрим участкаларнинг ҳар гектаридан 140 центнерга етказиб каноп йиғиб олинмоқда.

Лекин район бирнеча йиллардан буён давлат мажбуриятини бажармайди, камқувват колхозлар ҳисобига ҳосил камаймоқда. Бу йил район давлатга ҳар гектар ердан 40 центнердан жут ва 45 центнердан каноп етказиб бериши керак. Район колхозларида бу миқдорда ҳосил етиштириш учун барча имконият бор. Буни илғор колхозларнинг иш тажрибаси мисолида яна яққолроқ кўриш мумкин.

Афсуски, ички резервлардан тўла фойдаланмаслик натижасида луб экинлари парваришида ўтган йилги хатоларга йўл қўйилаётир. Мусобақадош Қуйчирчиқ районидан келган ўзаро текшириш бригадаси район колхозларида луб экинлари парвариши бўшаштириб юборилганлигини аниқлади. Айниқса Куйбишев номли колхозда каноп, жут парваришига ҳамон э'тибор берилмаётир. Агротехника қоидалари қўпол равишда бузилмоқда, экинлар парвариши бир-бирига боғлаб олиб борилмайди. Каноп, жут суғорилади-ю, тобида культивация қилиниб, чопилмайди. Колхоз раҳбарлари ишнинг сифатига аҳамият бермай, рақам кетидан қувиб, ҳосилнинг тақдири учун қайғирмайдилар.

Масалан, «Правда» колхозининг 2,2 марта культивация қилиниб, 2,2 марта кетмон чопиғи қилинган экинлари ҳосилдор бўлиб, яхши ривожланмоқда. Аммо Куйбишев номли колхозда жут, каноп ҳозиргача 4,6 марта культивация қилинган, 2,5 марта чопилган. Чопиқ номига ўтказилганидан жут ер бағирлаб ётмоқда, сийрак, бунинг устига тизза бўйи ўт босиб кетган. Ўртоқ Қўчқоров бошлиқ бригадада трактор культивацияси илғарилари ҳам сифатсиз ўтказилганидек, ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги кунларда ҳам культивация ва чопиқ сифати бузилаётир. Бригада бошлиғи ўртоқ Қўчқоров ишнинг сифатсизлигига куч етишмаётганлигини баҳона қилади. Ваҳоланки, у бирор марта трактор культивациясини текшириб кўрганн йўқ. Шундай бепарволик натижасида 9 гектар ердаги жут қовжираб нобуд бўлган. 1, 2 ва 5-нчи бригадаларда ҳам худди шундай манзара юз берган. Колхознинг 113 гектар майдондаги жутидан 74 гектари ўсишдан қолмоқда.

Шу каби камчиликлар Жданов номли колхозда ҳам содир бўлаётир. Колхоз раиси Мумбеков, партия ташкилотининг секретари Урозбоев ўртоқлар мас'улиятни ҳис этмай, дала ишларига одатдагича раҳбарлик қилмоқдалар. Экишдан кейинги хотиржамлик натижасида 660 гектар майдондаги каноп, жут жуда сийрак бўлиб қолди, экинлар ўз вақтида парвариш қилинмади. Оқибатда катта майдонлардаги жут канопни ўт босиб кетди. Колхозда меҳнат интизоми жуда бўшашиб кетган. Кунлик ва беш кунлик графиклар системаси равишда бажарилмайди. Колхознинг 1, 3-нчи бригадасига қарашли жут икки марта суғорилиб, бир чопиқ блан ташлаб қўйилган. «Ўзбекистон 25 йиллиги» колхози ўтган йили давлат планини бажарган. Колхоз раиси ўртоқ Пак бу ютуқни амалий иш блан мустаҳкамлаб ўрнига, «ўтган йили планни бажарганмиз, бу йил ҳам бир амаллаб бажарамиз» деган кайфият блан иш тутмоқда. Шу сабабли 258 гектар майдондаги жут, каноп фақат 45 гектари нормал ривожланмоқда. 106 гектар ердаги экин бир чопиқ блан туриптй. Тўғри, колхозда каноп ҳосили яхши бўлган. Колхоз раҳбарлари бунга мағрурланиб, жутни парвариш қилишга беғамлик ва бепарволик блан қарамоқдалар.

Ўзаро текшириш бригадаси колхозларда меҳнат интизоми бўшашиб кетганлигини та'кидлаб, ишга яроқли колхозчиларнинг ҳаммасини дала ишларига тўла қатнаштиришни талаб этди. Лекин ўзаро текшириш бригадасининг талаби ва маслаҳати амалга оширилмаётир. Куйбишев номли колхозда шу кунларда далада 230 киши ишлаши керак эди, ҳақиқатда эса 180, айрим кунлари бундан ҳам кам киши ишламоқда, буларнинг ҳам кўпчилиги кундалик нормани бажармайди. «Ўзбекистон 25 йиллиги», Жданов номли ва бошқа колхозларда ҳам аҳвол ана шундай.

«Коммунизм», Маленков номли, Ленин номли ва Чкалов номли колхозларда жут блан каноп парвариши бир ме'ёрда ўюштирилмади, каноп кўпроқ парвариш қилиниб, жут парвариши кечиктириб юборилди. Оқибатда каноп ва жут ўсишдан кўп даражада орқада қолди. Ленин номли колхознинг Яхшибоев бошлиқ бригадасида 9 гектар ерга 5 июльда жуда кечикиб жут экилди. Жут экилди-ю парвариш қилинмади. Турсунов бошлиқ бригадага қарашли 28 гектар ердаги жут ҳам шундай «парвариш» қилинаётир. «Коммунизм» колхози камқувват. Бу колхозга 2-нчи МТС дирекцияси техника блан кўпроқ ёрдам бериши керак эди. Колхоз правленнесининг бу талаби МТС ма'мурияти томонидан амалга оширилмади, колхозчиларнинг меҳнати оғирлашиб, 316 гектар ердаги жут атиги бир марта чопиқ қилинди. «Социализм», Карл Маркс номли колхозларда ҳам парваришга муҳтож бўлган жут, каноп анча майдонни ташкил қилади.

Район партия, совет ташкилотлари ва МТСларнинг раҳбарлари жут, шунингдек ўсишдан қолган каноп экинларини парвариш қилишни тўхтатмай, давом этдиришлари керак. Барча майдонда мўл ҳосил етиштириб, давлат планини бажариш учун зарур тадбирларни кўришлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ,

Бекобод районидаги Ленин номли колхозда хизмат қилаётган область Советининг депутати ўртоқ Ҳайдарали Ҳамроқулов бошлиқ трактор бригадасининг а'золари ғўзаларга сифатли ишлов бериб, кунлик нормаларини 150—160 процентга етказиб бажармоқдалар.

Суратда: Бригада механиги ўртоқ Ҳайдарали Ҳамроқулов.

А. Ким фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ғўзани барги орқали озиқлантириш тезлаштирилсин

Ғўзани барги орқали фосфор блан озиқланириш кўсакларни ривожлантириш ва етилтиришда катта роль ўйнайди. Ғўза ҳосил тўплаётган даврда кўпинча фосфор етишмай қолади, айни ҳолда ерга фосфорли минерал ўғит солиш унчалик яхши натижа бермайди — тезда та'сир кўрсатмайди. Бунинг устига бир қатор техник қийинчиликларга ҳам тўғри келинади.

Фанда ғўзанинг озиқа таркибидаги минерал элементларни, қисман фосфорни фақат илдиз орқали эмас, балки тона ва кўсакларга бевосита озиқ етказиб турадиган барги орқали етказиб бериш ҳам исбот этилди.

Ҳозир областимиз районларида Граждан ҳаво флотининг ўнлаб самолётлари ғўзани барги орқали фосфор блан озиқлантириш ишида хизмат қилаётир. Илғор колхоз, МТС ва районларимиз мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим воситаси бўлган бу тадбирни кенг миқ'ёсда амалга оширмоқдалар. Сирдар'ё районидаги «XVIII партконференция» колхозида 800 гектар майдондаги ғўза самолётлардан туриб барги орқали озиқлантирилди. Гулистон районидаги 1-нчи ва 3-нчи МТС ҳамда колхоз раҳбарлари ҳам ишни тобора кучайтириб, ҳозиргача 2000 гектардан кўпроқ майдондаги ғўзани барги орқали озиқлантирдилар.

Афсуски, бирқатор МТС ва колхозларнинг раҳбарлари ғўзани баргидан озиқлантиришга тегишли даражада э'тибор бермаётирлар. Ба'зи колхозларда ғўзалар барги орқали мутлақо озиқлантирилмаган. Айниқса Оҳангарон, Пискент, Бекобод районларидаги МТСларнинг раҳбарлари ғўзани барги орқали озиқлантириш — демак мўл ҳосил тўплаш ишига гоят мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар.

Ҳосилга-ҳосил қўшиш даврининг саноқли кунлари қолди. Ҳарбир кун ғанимат. Бу кунларда ҳосилнинг тақдири ҳал этилади. МТС ва колхозларнинг раҳбарлари мўл ҳосил тўплашда ғўзани барги орқали озиқлантириш каби муҳим тадбирни кенг миқ'ёсда тез амалга оширишлари керак.

В. ҚОСИМОВ,

Корея озод қилинган куннинг ўнйиллиги муносабати блан 1955 йил 14 августда Пхеньянда бўлган тантанали мажлисда Совет Ҳукумат делегациясининг бошлиғи А. Б. Аристов нутқи

Қадрдон ўртоқлар, қадрдон дўстлар!

Миллий байрам — Совет Армияси қўшинлари Кореяни озод қилган куннинг ўнйиллиги муносабати блан СССР Олий Совети Президиуми, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Совети, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва бутун совет халқи номидан бу тарихий кунда сизга ва сиз орқали бутун қаҳрамон корейс халқига самимий, қардошлик саломи ҳамда отамшин ғаблиқлар топширишга рухсат этасиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Озод қилинган кундан буён ўтган ўн йил ичида Шимолий Корея халқининг ҳаётида чуқур ўзгаришлар бўлди. Халқ ажнабийлар зулмидан қутулиб, ўзининг кўп асрлик тарихида биринчи марта ўз тақдирини ўз қўлига олди ва ўз ҳаётини ўзи хоҳлаганича қуриш имкониятига эга бўлди.

Корейс халқи озод бўлганидан кейин биринчи йиллардаёқ ўз Меҳнат партиясининг раҳбарлиги остида халқ комитетларидан иборат ўз демократик ҳокимият органларини вужудга келтирди ва ҳаётнинг ҳамма соҳаларида катта демократик қайта қуришларни амалга оширди.

1946 йилда ўтказилган аграр реформа қишлоқда феодал муносабатларнинг сарқитларини тамомила тугатди, кенг меҳнаткаш деҳқонлар оммасини шафқатсизлик блан эксплуатация қилган помещикларнинг ҳукмронлигига хотима берди. Корейс деҳқонларининг озалдан қилиб келган орзуси рўёбга чиқди — ер унда ишлайдиганлар қўлига ўтди. Шу блан, қишлоқ хўжалигининг муваффақиятли ривожланиши ва деҳқонларнинг моддий фаровонлиги кўтарилиши учун замин вужудга келтирилди.

Давлат ҳокимияти органлари халқ иродасини бажариб, мамлакатнинг шимолий қисмида йирик саноат корхоналарини, транспортни, алоқа воситаларини ва банкларни национализация қилди, буларга четэл монополиялари хўжайинлик қилган эдилар. Корейс халқининг меҳнати ва пешона тери блан вужудга келтирилган фабрикалар, заводлар, темир йўллар, шахталар, конлар, ирригация иншоотлари умумхалқ мулки бўлиб қолди. Бу ҳол ишчилар синфининг аҳволи тубдан ўзгарганлигини билдиради. Илгари капиталистлар томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинган эрксиз ва ҳуқуқсиз ишчилар синфи янги ҳаёт қуришнинг етакчи кучи бўлиб қолди.

Демократик қайта қуришларни амалга ошириш учун курашда ишчилар синфининг раҳбарлиги остида ишчилар блан меҳнаткаш деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи ташкил топди. Шу асосда Кореянинг шимолий қисмида янги давлат тузуми — Корея Халқ Демократик Республикасидан иборат халқ демократияси тузуми вужудга келди ва мустаҳкамланди.

Кореяда ғуллаб-яшнаётган бирлашган Корея мустақил демократик давлати тузишга интилган прогрессив партиялар, жамоат ташкилотлари, барча ватанпарвар кучларнинг бирлашганликлари бу гоят муҳим вазифани бажаришга халқ кучларини сафарбар қилишда катта ижобий роль ўйнади. Корейс халқининг бирликка интилиши Бирлашган демократик ватан фронти тузилганлигида ўз ифодасини топди ва Бирлашган демократик ватан фронти мамлакатни бирлаштириш, республика хўжалигини ва маданиятини юксалтириш учун курашнинг муҳим қуролидир.

Мамлакатнинг шимолий қисмида амалга оширилган демократик қайта қуришлар бутун халқ хўжалигини ва маданиятни тез юксалтиришнинг мустаҳкам асоси бўлди. 1949 йилда саноат маҳсулоти ҳажми 1946 йилдагига нисбатан 4 баравар ортди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида жиддий муваффақиятларга эришилди: экин майдонлари анча кенгайди, асосий қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш кўпайди. Меҳнаткашларнинг — ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенциянинг моддий аҳволи йилдан-йилга муттасил яхшиланиб келди.

Шимолий Корея меҳнаткашларининг тинч ижодий иши ма'лумки, 1950 йилда бошланган уруш натижасида тўхтаб қолган эди, бу уруш уч йил давом этди. Уларнинг демократик ғалабаларини, ўз озодлигини ва мустақиллигини қўлга қурол олиб ҳимоя қилишга мажбур бўлган Шимолий Корея меҳнаткашлари ўз ишининг ҳақ иш бўлганлигига чуқур ишонганлари ҳолда шу уруш давомида буюк матонат, мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Кореядаги уруш фақат корейс халқи учун катта фалокат бўлибгина қолмай, балки Узоқ Шарқда ва бутун дунёда тинчликка ҳамда хавфсизликка жиддий таҳдид ҳам эди. Ана шунинг учун ҳам барча тинчликсевар кучлар урушнинг тўхтатилишига ва Корея масаласининг тинч йўл блан ҳал этилишига якдиллик блан тарафдор бўлдилар.

Кореяга ёрдамга келган ва ўзларининг унутилмас ишлари блан демократик лагерь халқларининг қардошларча дўстлигини улуғлантирган хитой халқ кўнгилларининг тарихий қаҳрамонлигини алоҳида та'кидлаб ўтиш керак.

Корея Халқ Демократик Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг ташаббуси блан яраш тўғрисида ва уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида битим тузилишига эришилди, бу эса, халқаро кескинликнинг юмшатилишига ёрдам берди ҳамда Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларининг яна тинч меҳнат бошлашларига имкон берди.

Урушдан кейинги даврда саноатни, транспортни, қишлоқ хўжалигини тиклашда катта-катта қийинчиликлар ва оғирчиликлар борлигини ҳамда бу иш қанчадан-қанча куч ва маблағлар сарфланишини совет халқи яхши билади. Шу блан бирга, бу қийинчиликларни енгиш мумкинлигини совет халқи ўз тажрибасидан билади. Мард ва меҳнатсевар корейс халқи урушнинг оғир оқибатларини туғатиш соҳасидаги вазифаларни муваффақият блан уддалаётганлигини кўриб турибмиз.

Яраш битими тузилганидан кейин ўтган икки йил ичида Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашлари хўжалик қурилиши соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Корея Халқ Демократик Республикаси халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учйиллик плани муваффақият блан бажарилмоқда. Ҳозирги вақтда саноат ишлабчиқариши ҳажми урушдан аввалги даражадан ортди.

Совет халқи Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларининг катта муваффақиятлари учун чин қалбидан қувонмоқда.

Саноатни тиклаш ва ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар натижасида яқин вақтлар ичида қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун зарур заминлар вужудга келди. Меҳнат партияси ва Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати бу соҳада халқнинг туб манфаатларига жавоб берадиган катта вазифаларни белгиладилар. Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатларининг тажрибаси қишлоқ хўжалигини юксалтириш иши кўп куч ва ғайрат талаб қилишини ва умумхалқ вазифаси эканлигини кўрсатади.

Халқ хўжалиги юксалиши блан бир қаторда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлиги ошмоқда, уларнинг маданий даражаси кўтарилмоқда, уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший муассасалар қурилиши кенг миқ'ёсда қизғин бораётир; халқ истеъмол қиладиган товарларнинг нархлари камайтирилмоқда, реал ишқаки ва меҳнаткаш деҳқонларнинг даромадлари ортмоқда. Халқ эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш халқ ҳокимиятининг энг муҳим вазифасидир, чунки халқ манфаатлари унинг учун энг юксак вазифадир.

Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашлари помещикларнинг ва капиталистларнинг бойишлари учун ишлаётганлари йўқ, шунинг учун ҳам турмуш даражасини юқори кўтариш иши меҳнаткашларнинг ўз қўлидадир. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг даражаси қанча юқори бўлса, меҳнат унумдорлиги қанча юксак бўлса, халқнинг фаровонлиги шунча тезроқ ошади.

Ҳаммага малумки, озод бўлганига қадар, Корея аҳолисининг кўпчилиги саводсиз эди; ишчиларнинг ва деҳқонларнинг камгина болалари бошланғич мактабда ўқиш имкониятига эга эди, ўрта ва юқори ўқув юртларининг эшиклари эса улар учун ҳақиқатда ёпиқ эди. Ҳозирги Корея Халқ-Демократик Республикаси территориясида илгари битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. Ажнабий мустамлакачилар миллий маданиятни бўғиб келган эдилар.

Корея Халқ Демократик Республикасида фан ва маданиятнинг ҳамма ютуқлари кенг меҳнаткашлар оммасининг мулки бўлиб қолди. Ишчилар синфи ва деҳқонлар блан биргаликда янги ҳаёт қураётган ўз интеллигенцияси, халқ интеллигенцияси тез ўсмоқда.

Корея Халқ Демократик Республикасининг ажойиб муваффақиятлари кенг халқ оммасини актив ижодий ишга отлантирган халқ-демократик тузумининг буюк кучини ва ҳаётийлигини яққол кўрсатиб туради.

Республика меҳнаткашлари ўз бурчини юксак даражада англаб, ўз ватанининг бахт-саодати учун фидокорлик блан меҳнат қилмоқдалар. Республиканинг орден ва медальлари блан мукофотланган, Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган ишлабчиқариш новаторлари ва илғорларининг сони узлуксиз кўпайиб бораётганлиги бунинг далилидир.

Корея Меҳнат партияси халқ-демократик тузумини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш учун курашда Корея Халқ-Демократик Республикаси меҳнаткашларининг синалган, содиқ раҳбаридир, у ўз халқининг манфаатлари учун фидокорлик блан хизмат қилмоқда ва уни тинчлик, демократия ва миллий мустақиллик йўлидан бошлаб бормоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Дўстлар!

Мамлакатнинг бўлиниб турганлиги ва бунинг натижасида унинг миллий бирлиги бузилганлиги корейс халқи учун оғир бўлганлигини биз ҳаммамиз яхши биламиз.

Ма'лумки, Корея Халқ-Демократик Республикаси тинч йўл блан мамлакатни бирлашган, тинчликсевар, демократик давлатга қайта бирлаштириш йўлини топишга чинакам интилмоқда. Бирлашган демократик ватан фронти Марказий Комитети, Корея Олий Халқ Мажлиси ва Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумати Жанубий Кореянинг сиёсий партияларига, жамоат ташкилотларига, Миллат мажлисига ва ҳукуматига мамлакатни бирлаштиришга қаратилган конкрет таклифлари блан бирнеча марта мурожаат қилдилар. Гарчи Жанубий Кореяда ҳам халқнинг кўпчилиги мамлакатнинг демократик асосда тинч йўл блан бирлашувига, шубҳасиз чинакам манфаатдор бўлсада афсуски, Жанубий Кореянинг ҳукмрон доиралари бу таклифларга ҳозирча ижобий жавоб берганлари йўқ.

Корейс халқининг тинч, демократик асосда мамлакатнинг миллий бирлигини тиклаш учун олиб бораётган адолатли курашига барча тинчликсевар халқлар ҳайрихоҳлик блан қарамоқда ва қўллаб-қувватламоқдалар. Совет халқи корейс халқининг миллий орзулари тезда амалга ошишини — бирлашган, мустақил, демократик, тинчликсевар Корея тезда тузилишини чин кўнгилдан тилайди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Қадрдон дўстлар!

Корея Халқ-Демократик Республикаси меҳнаткашларининг халқ-демократик тузумни мустаҳкамлаш учун, халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш учун олиб бораётган курашида Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси бошчилигидаги қудратли социализм ва демократия лагерининг халқлари уларнинг содиқ дўстларидирлар. **(Гулдурос қарсаклар).** Социалистик лагерьдаги мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шу мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг мақсадлари ва туб манфаатлари бир бўлганлигига, социализм лагеридаги суверен давлатларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишларига ва уларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигини э'тироф қилишга асосланган янги типдаги муносабатлардир. Социалистик лагерьдаги мамлакатларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги — уларнинг кучқудрати ва енгилмаслигининг гаровидир.

Совет Армияси Кореяни озод қилган вақтдан буён ўтган ўн йил ичида Корея Халқ-Демократик Республикаси меҳнаткашлари блан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида маҳкам қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари вужудга келди ва мустаҳкамланди. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар борган сайин кенгаймоқда ва кучаймоқда.

Корея Халқ-Демократик Республикаси меҳнаткашларининг муваффақиятлари дўст корейс халқига қардошларча ёрдам кўрсатишга ва уни қўллаб-қувватлашга ҳамавақт ҳозир турган барча совет кишиларини чинакам қувонтирмоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Сизнинг миллий байрамингиз кунида Корейс халқига халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришда, халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини юксалтириш ишида, шунингдек тинч, демократик асосда Кореянинг миллий бирлигини тиклаш вазифаларини муваффақият блан бажаришда яна бир марта янги муваффақиятлар тилашимизга рухсат этингиз. **(Гулдурсс, давомли қарсоклар).**

Яшасин қадрдон корейс халқи! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин корейс халқининг синалган йўлбашчиси ва раҳбари — Корея Меҳнат партияси! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин Корея Халқ-Демократик Республикаси Ҳукумати! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин Корея Бирлашган Демократик ватан фронти! **(Гулдурос қарсаклар).**

Корейс ва совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик абадий яшасин ва мустаҳкамлансин! **(Ҳамма ўрнидан туради, бутун залда овация ўзоқ давом қилади).**

Корейс халқи Совет Армияси томонидан Корея озод қилинган куннинг ўнйиллигини кенг нишонламоқда

ПХЕНЬЯН, 14 август, (ТАСС). Корейс халқи ўз мамлакати озод қилинган куннинг 10 йиллигини кенг нишонламоқда. Корея Халқ Демократик Республикасининг шаҳарлари ва қишлоқларида, заводларида, қурилишларида, қишлоқ хўжалик кооперативларида миллий байрамга бағишланган тантанали йиғилишлар бўлиб ўтаётир. Ҳамма ерда КХДРнинг халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришда эришган ютуқларини кўрсатучи фотовиставкалар очилди.

КХДР пойтахти — Пхеньян байрам тусини олган. Шаҳар бинокорлари байрамни катта ютуқлар блан кутиб олдилар. Пхеньяннинг кўчалари ва майдонлари асфальтланди. «Международная» деган бешқаватли гостиница фойдаланишга топширилди. Ким Ир Сен майдонидаги иккита ма'мурий бинонинг ва Мао Цзэ-дун майдонидаги катта бинонинг ташқи томони пардоз қилиниб бўлди, Пхеньян вокзали тез сур'атлар блан қурилмоқда.

Бугун эрталаб Озодлик ҳайкали ёнига гулчамбарлар қўйиш маросими бўлди. КХДР министрлар кабинетидан, Олий Халқ Мажлисидан, Корея Меҳнат партияси Марказий комитетидан, жамоат ташкилотларидан гулчамбарлар қўйилди. Озодлик куни байрамига келган ХХР делегацияси, совет элчихонасининг ходимлари ва бошқа дўст мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг ходимлари ҳам гулчамбарлар қўйдилар.

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИДА

Илғор пахтакорлар учрашуви

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг «Пахтачилик» павильонига Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжон республикалари ва Жанубий Қозоғистон областидан келган илғор пахтакорлар йиғилган.

Улар бу ерда «Пахтачилик» павильони блан батафсил танишиш, экспонат, материалларни анализ қилиб ўрганиш, шу блан бирга пахта етиштириш соҳасидаги ўз тажрибалари блан ўртоқлашиш учун учрашган эдилар.

Бу учрашув «Пахтачилик» павильонининг директори ўртоқ М. А. Любимовнинг кириш нутқи блан бошланди. У пахтакор республикалар илғорларининг ютуқларини батафсил сўзлаб берди.

1954 йил ноябрь ойида, Тошкентда, пахтачиликни ривожлантириш юзасидан бўлиб ўтган кенгашдан кейин пахтакор республикаларда асосий майдонларда чигит квадрат-уялаб ва торқаторлаб экилиб, текис унириб олинди. Бунда Тожикистон пахтакорларининг 1954 йилда эришган тажрибаси катта ёрдам берди. Пахтачиликда прогрессив усулнинг кенг миқёсда тўғри қўлланилиши механизациядан тўла фойдаланишга имкон бераётир. Ҳозир ҳамма пахтакор колхоз ва совхоз далаларида квадрат-уялаб ўстирилаётган ғўзалар парвариши ўз вақтида, янада юқори сифатли қилиб олиб борилмоқда. Ғўзалар анча мўл ҳосил тўпламоқда. Бу эса давлат пахта тайёрлаш планини муваффақият блан бажаришга имкон беради.

Павильон директори ўртоқ М. Любимов нутқидан кейин сўз илғор пахтакорларга берилади.

Виставка қатнашчиси, Тошкент область, Гулистон районидаги Молотов номли колхозининг бригада бошлиғи ўртоқ А. Йўлдошев биринчи бўлиб сўзга чиқади.

— Бизнинг Молотов номли колхоз а'золари, — дейди ўртоқ А. Йўлдошев — 1954 йилда 1370 гектар ернинг ҳар гектарида 35 центнердан ҳосил етиштирдилар. Бизнинг бригадамизга 61 гектар ер бириктирилган эди. Биз унинг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил олдик. Бунга эришишда бригадамиз а'золари пахта майдонларидаги ишни йил бўйи давом этдирдилар. Келгуси йил мўл ҳосили учун курашни биз пахта йиғим-теримидан кейиноқ бошлаймиз. Бу тадбир ер унумдорлигини тиклаш, баҳорда ерни чигит экишга пухта тайёрлаш ва чигитни барвақт экиб олишга имкон беради—мўл ҳосил етиштириш учун йўл очилади. 1955 йилда пахтадан янада юқори ҳосил олиш учун биз чигитни кенг миқ'ёсда квадрат-уялаб экдик. Ҳозир бригадамизда ғўзалар асосан 60х60 ва 60х45 сантиметр схемасида ўстирилмоқда. Бу ғўзалар қатор оралари узунасига ва кўндалангига ишланиб парвариш қилинмоқда. Натижада ғўзалар равон ўсиб, ривожланаётир. Ўсиш блан ривожланиш ўртасида ғайритабиий ажралиш йўқ; мўл ҳосил тугилмоқда. Ҳозирги мўлжалга қараганда бригадамизда бу йил ўтган йилгидан анча мўл ҳосил етишади. Шунинг учун биз давлатга ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдик. Буни, албатта ошириб бажаришга ҳаракат қиламиз.

Жанубий Қозоғистон областининг Киров районидаги «Сталинград» колхозининг агрономи Ким Роза ҳам колхозда юқори ҳосил олиш тажрибаларини гапириб берди.

«Сталинград» колхози а'золари ерни чигит экишга тайёрлашга гоят зўр аҳамият бердилар. Натижада чигит энг қулай муддатда, тезда экиб олинади. Жанубий Қозоғистон шароитида пахтани эрта етилтириш, айниқса муҳим. Бу талаб ғўзани дастлабки даврдаги парваришига боғлиқ. Колхозчилар чигитни экиш блан ғўза парваришини кучайтириб юборадилар.

Жанубий Қозоғистон шароитида ҳам ғўза май ойи охири ва июнь бошларида шоналашга кириши. Ана шунинг ўзи ҳосилни эрта етилишини та'минлайди.

Ғўза шоналайбошлаганда биринчи марта озиқлантирилиб, ёппасига суллагунча 2-нчи озиқлантириш ҳам бошлаб юборилади. Минерал ўғитлар маҳаллий ўғитлар блан аралаштирилиб солинади. Ғўзани суғориш, культивация, чопиқ қилиш ишлари ўз вақтида бир-бирига тўғри боғлаб олиб борилади.

«Пахтачилик» павильонида Озарбайжон пахтакорларининг ютуқлари алоҳида ўрин олади. Озарбайжон пахтакорлари 1954 йили давлатга пахта топшириш планини бажариб, республика бўйича Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш шарафига эга бўлдилар. Озарбайжон республикаси пахтакорларининг иш усуллари, айниқса ибратлидир. Озарбайжонли пахтакорлар механизациядан, айниқса пахта теришмашиналаридан унумли фойдаланганлар. Бу тўғрида Озарбайжон ССР Сафарали районидаги МТСнинг пахта теришмашинаси механик-ҳайдовчиси В. А. Крикаров сўзлайди.

Сафарали МТСи зонасидаги колхозлар 1954 йили давлатга ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан 34,5 центнердан пахта топширди. Бунда пахта теримининг тез ва барвақт тугалланиши катта роль ўйнади. Чунки МТСдаги мавжуд 47 пахта теришмашинаси блан ўтган йил бутун майдонлардаги пахтанинг энг кўпи терилди. Ҳарбир механик-ҳайдовчи мавсумда 50 тоннадан пахта териб берди. 1955 йилда пахтанинг камида 65 — 70 процентини пахта теришмашинаси блан териб давлат томонидан берилган планни ошиғи блан бажариш учун ҳаракат қилинмоқда.

Тожикистон пахтакорлари янги прогрессив агротехникани кенг миқ'ёсда қўлланиб, чигитни квадрат-уялаб экдилар ва мўл ҳосил етиштириб давлат пахта тайёрлаш планини муваффақият блан бажардилар.

Ленинобод районидаги Ворошилов номли колхозининг бригада бошлиғи ўртоқ А. Эрбоев 1954 йилда ўз бригадасида квадрат-уялаб ўстирилган ғўзаларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштирди. Бригада а'золари ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш натижасида қўл меҳнатини 2 — 3 мартаба камайтирганлар. Бу эса ғўза парваришидаги барча ишларни ўз вақтида бажаришга имкон берди. Бу бригада а'золари ўз тажрибаларини такомиллаштириб, 1955 йилда барча майдонларга чигитни квадрат-уялаб экдилар ва ҳозир ғўза парваришидаги асосий ишларни машиналар ёрдами блан бажармоқдалар. Тожикистон республикасида юзлаб бригада ва звеноларнинг янги, прогрессив усулни қўлланиб, мўл ҳосил етиштиришга эришмоқдалар. Булар ҳақида ўртоқ А. Эрбоев батафсил гапириб берди.

Илғор пахтакорлар ўзаро узоқ суҳбатлашдилар, бир-бирларининг тажрибаларини ўртоқлашдилар.

М. МИРҲАЁТОВ.

Москва шаҳри.

Венгрия халқ республикаси Ер ишлари министри ўртоқ Ф. Эрдеи бошчилигидаги Венгрия қишлоқ хўжалик делегацияси яқинда БҚХВда бўлди.

Суратда: делегация а'золари Қозоғистон ССР павильони ёнида.

Э. Евзерихин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Совет Ҳукуматининг Совет Иттифоқи қуролли кучлари сонини камайтириш тўғрисидаги қарори ҳақида четэлларда баён қилинган фикрлар

НЬЮ-ЙОРК, 13 август. (ТАСС), Юнайтед Пресс агентлиги Вашингтон мухбирининг хабар беришича, давлат департаменти Совет ҳукуматининг 1955 йил 15 декабрьгача Совет Иттифоқи қуролли кучлари сонини 640 минг киши миқдорида камайтириш тўғрисидаги қарори ҳақида ТАСС ахбороти юзасидан расмий фикр баён қилмайди деган.

Мухбирнинг ёзишича, «расмий шахсларнинг кўпчилиги Совет қуролли кучлари сонини камайтириш тўғрисидаги ахборотни «умидлантируччи» ахборот деб ҳамда «халқаро миқ'ёсда қуролсизланишнинг яхши аломати» деб баҳоламоқда.

Броқ, ана шу шахсларнинг ўзи шунинг орқасиданоқ бу тадбир тўғрисидаги хабарларга «ортиқча катта аҳамият» бермасликка чақирмоқдалар.

ПАРИЖ, 13 август. (ТАСС). Парижда чиқадиган бирнеча ёрталабки газеталар, Совет ҳукуматининг шу йил 15 декабрьгача СССР қуролли кучлари сонини 640 минг киши ҳисобида камайтириш юзасидан қабул қилган қарори тўғрисидаги қисқа хабарларни шарҳсиз босиб чиқардилар.

«Юманите» газетаси ўзининг кейинги сонида ТАСС ахборотини «СССР ўз қуролли кучларини 15 декабрьгача 640 минг киши миқдорида камайтиришга қарор қилди» деган катта сарлавҳа остида биринчи саҳифада э'лон қилди.

ОТТАВА, 13 август. (ТАСС). Канада матбуоти Совет Ҳукуматининг Совет Иттифоқи қуролли кучларининг сонини 640 минг киши миқдорида камайтириш юзасидан қабул қилган қарори тўғрисида ТАСС ахборотини энг кўзга кўринарли ўринларда босиб чиқарди. Газеталар ТАСС баёнотидан Совет ҳукуматининг бу тадбири халқаро кескинликни янада юмшатишга ва давлатлар ўртасида ишонч ўрнатишга қаратилганлиги тўғрисидаги сўзларни келтирадилар.

СТОКГОЛЬМ, 13 август. (ТАСС). Стокгольмда чиқадиган барча эрталабки газеталар Совет ҳукуматининг СССР қуролли кучларини камайтириш тўғрисидаги қарори ҳақида ТАСС ахборотининг мазмунини кўзга кўринарли ўринларда ва катта сарлавҳалар остида босиб чиқардилар.

«Моргон-тиднингген» газетаси Совет ҳукуматининг бу тадбири халқаро кескинлик бир қадар юмшаганлигининг оқибатидир, деб уқтириб ўтади.

«Свенска дагбладет» газетаси ТАСС ахборотини: «Совет Иттифоқи Қуролли кучлар составидан 640 минг кишини демобилизация қилади» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

ВЕНА, 13 август. (ТАСС). Совет ҳукуматининг Совет Иттифоқи Қуролли кучлари сонини 1955 йил 15 декабрьгача 640 минг киши миқдорида камайтириш юзасидан қабул қилган қарори тўғрисидаги ТАСС ахбороти бугун чиққан барча кундузги газеталарнинг диққат марказида турди.

Газеталар ахборот текстини: «СССР Қуролли кучлари 640 минг киши миқдорида камайтирилади» («Дер абенд»); «Россия ўз қуролли кучларини камайтирмоқда» («Вельтпресс») деган ва шу сингари бошқа катта сарлавҳалар остида э'лон қилмоқдалар.

«Дер абенд» газетаси уқтириб ўтадики, Совет ҳукуматининг бу қарори халқаро кескинликни юмшатишга, мамлакатлар ўртасида ишонч ўрнатишга қаратилган.

«Нейер курир» газетаси Совет ҳукуматининг қарорини бу сафар ҳам «фақат пропаганда мақсадини кузатган тадбир» деб кўрсатишга уринади.

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПХЕНЬЯНГА КЕЛДИ

ПХЕНЬЯН, 14 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Б. Аристов бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси Корея озод қилинган куннинг 10 йиллигига бағишланиб ўтказиладиган байрамда қатнашмоқ учун бугун Пхеньянга келди. Делегация составида халқ демократияси мамлакатлари блан иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармасининг коллегия а'зоси А. Д. Ступов, Тожикистон ССР шаҳар ва қишлоқ қурилиши министри Х. З. Тоҳирова бор. Делегация составида СССРнинг Корея Халқ-Демократик Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. П. Иванов ҳам бор.

Совет ҳукумати делегацияси Снийчжудан Пхеньянга боргунча йўлдаги темир йўл станцияларининг ҳаммасида Корея меҳанткашлари делегацияни самимий табрикладилар.

Пхеньян вокзалида Совет ҳукумат делегациясини Корея Меҳнат партияси Марказий комитетининг раиси ва Корея Халқ-Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен, Корея Меҳнат партияси Марказий комитети Сиёсий кенгашининг а'зоси ва Корея Халқ-Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг раиси Ким Ду Бон, Корея Меҳнат партияси Марказий комитети раисининг ўринбосари Пак Ден Ай ва Корея Меҳнат партиясининг ҳамда Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукуматининг бошқа раҳбар арбоблари кутиб олдилар.

Хитой Халқ Республикаси раисининг ўринбосари Чжу Дэ бошчилигида Пхеньянга келган Хитой Халқ Республикаси делегациясининг а'золари, СССРнинг КХДРдаги элчихонасининг дипломатик состави, Хитой Халқ Республикасининг ва халқ демократияси мамлакатларининг дипломатик вакиллари ҳам Совет ҳукумат делегациясини кутиб олдилар.

Корея Халқ-Демократик Республикасининг ва СССРнинг давлат байроқлари блан безатилган вокзал олдидаги майдонда тўпланган минглаб пхеньянлилар, Совет ҳукумат делегациясини табрикладилар.

Ўртоқ А. Б. Аристов тўпланганлар олдида нутқ сўзлаб, бундай деди:

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Совет ҳукумати, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети номидан ва совет халқи номидан Пхеньян шаҳри аҳолисига ва бутун корейс халқига самимий, дўстона саломларимизни айтишга делегациямизга ижозат бергайсиз.

Биз Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукуматига ва Корея Меҳнат партиясининг Марказий комитетига бизни Корея озод қилинган куннинг ўнйиллик байрами муносабати блан республикангизга келишни таклиф қилганликлари учун чин кўнгилдан ташаккур билдирамиз. Сизларнинг улуғ байрамингиз кунида совет кишилари ўзларининг корейс қардошларига халқ-демократик давлатни мустаҳкамлаш ишида, шунингдек тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишида, ватанингизни тинч йўл блан қайтадан бирлаштиришда ҳамда бир бутун, мустақил, демократик Кореяни барпо қилишда янги муваффақиятлар тилайдилар.

Яшасин қаҳрамон қардош корейс халқи!

Яшасин Корея Меҳнат партияси ва Корея Халқ-Демократик Республикасининг ҳукумати!

Яшасин Корея Бирлашган демократик Ватан фронти!

Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Ҳозир бўлганлар ўртоқ А. Б. Аристов нутқини гулдурос қарсаклар, «Яшасин Корея-Совет дўстлиги!» деган хитоблар блан кутиб олди.

Совет ҳукумат делегациясининг бошлиғи А. Б. Аристов, делегация а'золари Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукуматининг раҳбарлари блан ва Хитой Халқ Республикаси делегациясининг бошлиғи Чжу Дэ блан бирликда майдонда тўпланган меҳнаткашлар олдига бориб, ишчилар, деҳқонлар ва Корея Халқ армиясининг жангчилари блан кўл қисиб кўришадилар, уларни миллий байрам блан самимий кутлайдилар.

Корея озод қилинган куннинг 10 йиллигига бағишланиб Пхеньянда тантанали мажлис ўтказилди

ПХЕНЬЯН, 14 август. (ТАСС). Совет Армияси томонидан Корея озод қилинган куннинг ўнйиллигига бағишланиб бугун кечқурун Пхеньяндаги Моранбон театрида тантанали мажлис ўтказилди.

Корея Меҳнат партиясининг ва Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукуматининг раҳбарлари Ким Ир Сен, Ким Ду Бон, Пак Ден Ай, Цой Ен Ген, Пак Чан Ок, Цой Чан Ик, Хон Мен Хи, Тен Ир Лен, Пак И Ван, Пак Ким Чер, Пак Ен Бин, Ли Ен, Корея Бирлашган демократик ватан фронтининг раҳбар арбоблари мажлис президиумига чиққанларида залдагилар уларни гулдурос қарсаклар чалиб кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Б. Аристов бошчилигидаги Совет ҳукумат делегациясининг а'золари, Хитой Халқ Республикаси раисининг ўринбосари Чжу Дэ бошчилигида Хитой Халқ Республикаси делегациясининг а'золари, хитой халқ кўнгиллилари қисмларининг қўмондони генерал Ян Юн, халқ демократияси мамлакатларининг элчилари ва ишлар вакиллари ҳам президиумга чиқдилар. Залда Совет Иттифоқининг, Хитой Халқ Республикасининг ва халқ демократияси мамлакатларининг вакиллари шарафига, тинчлик, демократия ва социализм лагери мамлакатларининг бузилмас иттифоқи шарафига қизғин овация бошланади.

Тантанали мажлисни Корея Халқ-Демократик Республикаси Олий халқ мажлиси президиумининг раиси Ким Ду Бон очди. Корея Халқ-Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен Корея озод қилинган куннинг ўн йиллигига бағишлаб доклад қилди.

Мажлис қатнашчилари Совет ҳукумат делегациясининг бошлиғи А. Б. Аристов нутқини самимий кутиб олдилар.

Сўнгра, Хитой Халқ Республикаси делегациясининг бошлиғи Чжу Дэга сўз берилди.

Халқ демократияси мамлакатлари дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам мажлисда табрик нутқлари сўзладилар.

РУМИНИЯДА РУС ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

БУХАРЕСТ, 13 август. (ТАСС). Руминия телеграф агентлиги хабар беради:

Руминияда рус тилини ўрганиш курсларида янги ўқиш йилига тайёргарлик бошланди. Мамлакат меҳнаткашлари бу курсларнинг очилишини ғоят қизиқиб кутмоқдалар.

Совет Иттифоқи блан дўстона алоқа қилучи румин жамияти ташкил қилаётган рус тили курсларида ўқучиларнинг ғони йилдан-йилга кўпаймоқда. 1954 — 1955 ўқув йилида Руминияда рус тилини ўрганиш курслари 1000 га яқин бўлиб, уларда қариб 150 минг киши ўқиди.

ГОАНИ ҲИНДИСТОН БЛАН ҚАЙТА БИРЛАШТИРИШ УЧУН

ДЕҲЛИ, 13 август. (ТАСС). «Ҳиндустан Таймс ивнинг ньюс» газетасининг хабар беришича, 12 августда Бомбейда ишчилар ва студентларнинг забастовкаси бўлган, забастовкани Гоани озод қилишга ёрдам беручи комитет ташкил қилган. Дастлабки ма'лумотларга қараганда, забастовкада 150 мингга яқин киши қатнашган.

«Свадхината» газетасининг хабар қилишича, Гоани озод қилиш йўлидаги курашни қўллаб-қувватлаш юзасидан 9 августда Ҳайдаробод ва Скандарободдаги ўқув юртлари ўқучиларининг забастовкаси бўлган. Забастовкада 20 минг студент қатнашган.

ОСИЁ ВА УЗОҚ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ГЕОЛОГЛАРИ ВА КОН ИНЖЕНЕРЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛИШИ

Совет Иттифоқининг геологик қидиришлар ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги муваффақиятлари блан танишмоқ учун Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатларидан келган геологлар ва кон инженерлари делегацияси 6 августда Геология ва ерости бойликларини сақлаш министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ С. В. Горюнов томонидан қабул қилинди. Қабул маросимида Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари учун тузилган иқтисодий комиссиянинг ижроия секретари П. С. Локанатан ҳозир бўлди. Қабул вақтида делегациянинг Совет Иттифоқида бўлиш программаси қараб чиқилди ҳамда делегациянинг геологик ва кончилик саноати корхоналарини бориб кўриши блан боғлиқ бўлган масалалар қараб чиқилди. Шу куниёқ Геология ва ерости бойликларини сақлаш министрлигининг коллегия а'зоси ўртоқ Г. А. Мирлин СССРда геология-разведка ишларини ташкил этиш ва планлаштириш масалалари тўғрисида делегацияга ахборот берди. Делегация бу ахборотни катта э'тибор бериб тинглади. Делегатлар СССРда қилинаётган геология тадқиқотларининг план асосида ва конкрет равишда олиб борилаётганлигига, шунингдек бу ишларнинг кенг миқ'ёсда ташкил этилганлигига айниқса қизиқдилар.

8 августда делегацияни Геология ва ерости бойликларини сақлаш министрининг ўринбосари ўртоқ В. И. Красников қабул қилди ҳамда геологик қидиришларнинг методлари ҳақида ва фойдали қазилмалар чиқадиган жойларни қидиришда ишлатиладиган ускуналар тўғрисида делегатлар блан суҳбатлашди. 8 август кечқурун делегация Олий та'лим министрлигига борди. Министрликнинг коллегия а'зоси ўртоқ П. И. Полухин делегатларни СССРда геологлар ва кон инженерлари тайёрлаш системаси блан, шунингдек шу ихтисослар бўйича техниклар тайёрлаш системаси блан таништирди. Делегатлар ўқув юртларини битказиб чиқаётган мутахассисларнинг сони, университетлар ва институтларнинг ўқиш планлари, студентларнинг қандай илмий ишлар олиб бораётганликлари ҳамда уларнинг стипендиялар блан қанчалик та'минланганликлари тўғрисида саволлар бердилар ва ўзлари ҳам сўзлаб, СССРда олий ва ўрта техника билими олиш учун кенг имконият борлигини қайд қилдилар.

Кейинги кунларда делегация СССР кўмир саноати министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ Д. Г. Оника ҳамда Қора металлургия министрининг ўринбосари ўртоқ С. М. Мелешкин блан суҳбатлашди, шунингдек кўмир саноати машинасозлигини проектлаш институтини ва Бутуниттифоқ кўмир илмий-текшириш институтини бориб кўрди. Узоқ давом қилган қизғин суҳбатда ўртоқ Оника делегатларга кўмирларни қазиб олиш ва ундан фойдаланиш усуллари, кўмир чиқаручи корхоналарнинг ташкилий структураси тўғрисида, шахтёрларнинг ишини осонлаштирмоқ учун кўрилаётган тадбирлар тўғрисида гапириб берди. Делегатлар кўмир саноатини проектлаш институтини бориб кўрганларида, уларда кўмир комбайнлари, конвейерлари турли конструкцияларининг моделлари, кўмир конларидан кўмирни гидравлик усул блан қазиб олиш схемаси, конларни тираб турадиган металл тиргакларининг ва К—26 маркали янги кўмир комбайнининг янги конструкциялари катта таассурот қолдирди.

11 августда делегатлар Совет Иттифоқининг энг қадимий геология музейларидан бири бўлган ва XVIII асрнинг бошида Биринчи Пётр томонидан ташкил қилинган музейни — СССР Фанлар академияси минералогия музейини бориб кўрдилар. Музей мудири Г. П. Барсанов ва СССР Фанлар академияси ҳузуридаги метеоритлар комитетининг илмий секретари профессор Е. Л. Кринов музей экспонатлари блан делегатларни таништирдилар.

Делегация Москвага келганидан бери В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейини зиёрат қилди, Кремльни, Москва Давлат университетини ҳамда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини бориб кўрди.

Геология ва ерости бойликларини сақлаш министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ С. В. Горюнов ва Чет эллар блан иқтисодий алоқа ишлари Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ П. А. Малетин 12 августда делегация шарафига зиёфат бердилар. Зиёфатда совет томонидан СССР министрларининг ўринбосарлари В. И. Красников, С. М. Мелешкин, Л. Г. Оника, С. Ф. Подчайнов, Е. Т. Шаталов, СССР Олий та'лим министрлигининг коллегия а'зоси П. И. Полухин ҳамда Геология ва ерости бойликларини сақлаш министрлигининг коллегия а'зоси Г. А. Мирлин, илмий-техника ҳамкорлиги ишлари бошқармаси бошлиғининг вазифасини бажаручи В. И. Зайцев, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё бўлимининг мудири В. М. Волков, Геология ва ерости бойликларини сақлаш министрлиги ташқи алоқалар бўлимининг бошлиғи М. М. Сергиенко, Кўмир саноати министрлиги илмий-текшириш институтларининг директорлари А. В. Топчиев ва А. К. Харченко, СССР Фанлар академияси минералогия музейининг мудири Г. П. Барсанов ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Монг Он, Ҳиндистон Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. П. Ш. Менон, Индонезия Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Субандрио, Афғонистон элчихонасининг маслаҳатчиси Абдул Қаюм ҳозир бўлдилар.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

13 август шанба куни делегация Свердловск шаҳрига учиб кетди ва уерда Уралнинг кончилик корхоналари блан танишади ҳамда геология-разведка ташкилотларини ва экспедицияларини бориб кўради.

ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ ЖАҲОН V ФЕСТИВАЛИ ЁПИЛДИ

ВАРШАВА, 15 август. (ТАСС). Ёшлар ва студентларнинг тинчлик ва дўстлик учун курашга бағишланиб ўтказилган Жаҳон V фестивалини кеча кечқурун тантанали ёпиш маросими бўлди.

Ёшларнинг юзтадан кўпроқ мамлакатдан келган делегациялари, Польшанинг турли воеводликларидан фестивальга келган ўн минглаб йигит ва қизлар ҳамда Варшаванинг кўп аҳолиси И. В. Сталин номидаги Маданият ва фан саройи олдидаги майдонга тўпландилар.

Трибуна Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг ва Халқаро студентлар союзининг раҳбарлари, фестивальнинг фахрий меҳмонлари, ёшлар делегацияларининг бошлиқлари блан тўлди.

Польша давлатининг раҳбар арбоблари, Варшавадаги четэл дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, юзлаб четэл журналистлари фестивальни ёпиш маросимига келдилар.

Тантанали маросим тамом бўлганидан кейин, фестиваль қатнашчилари бутун дун'ё ёшларига қарата ёзилган Мурожаатни хурсандлик блан қабул қилдилар.

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланган Халқаро илмий-техника конференциясида

ЖЕНЕВА, 13 август. **(ТАСС махсус мухбири).** Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланган Халқаро илмий-техника конференциясида бугун уч секцияда — физика ва реакторлар секциясида, химия, металлургия ва технология секциясида ҳамда биология ва медицина секциясида иш давом этди.

Женевадаги Хитой-Америка музокаралари тўғрисида ахборот

ЖЕНЕВА, 13 август (ТАСС). Бугун, Хитой Халқ Республикаси ва АҚШ элчиларининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлис тамом бўлгач қуйидаги ахборот э'лон қилинди:

«АҚШ ва ХХР элчилари бугун Женевада ўзларининг олтинчи мажлисини ўтказдилар. Музокара кун тартибидаги биринчи моддани (иккала томоннинг граждан шахсларни ўз ватанларига қайтариш масаласини) муҳокама қилиш давом этди.

Келгуси мажлисни 16 август эрталаб соат 10 да ўтказишга қарор қилинди».

Покистон янги ҳукуматининг состави

КАРАЧИ, 13 август. (ТАСС). Покистон янги ҳукуматининг қуйидаги состави кеча кечқурун расмий равишда э'лон қилинди:

Бош министр, шунингдек ташқи ишлар, мудофаа, молия ва экономика министри— Чоудхури Мўҳаммад Али; ички ишлар министри — Фазлул Ҳақ; йўллар министри, князьликлар ва чегара районлари ишлари министри — Хон Соҳиб; саноат ва савдо министри — Х. И. Раҳимтула: Кашмир ишлари министри ва маориф министри — Обид Ҳусайн; Юстиция ва соғлиқни сақлаш министри К. К. Датта; информация ва радио эшитдириш министри— Пир Али Мўҳаммад Рашидий; меҳнат, жамоат ишлари ва майда Миллатлар ишлари министри — Нурул Ҳақ Чоудхури; озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги министри Абдул Латиф Биswас.

Ли Син Маннинг урушқоқлик блан айтган сўзлари

НЬЮ-ЙОРК, 13 август. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Сеулдан олиб берган хабаридан ма'лум бўлишича, Ли Син Ман бугун шу агентликнинг мухбири блан мусоҳабада Кореядаги яраш устидан кузатучи бетараф комиссия а'золарига нисбатан яна пўписа қилган ва ярашнинг тўхтатилишини талаб этган.

Ли Син Ман «Корея Республикаси **(Жанубий Корея. — Ред)** яраш тўғрисидаги битим шартларидан ўзини бундан буён ҳоли деб ҳисоблайди» деб айтган.

Ли Син Ман бетараф комиссия ходимларига нисбатан Жанубий Корея ма'мурлари томонидан қилинган ивогарлик ишларини оқлашга уринган ва Жанубий Корея территориясида комиссия а'золарининг ҳавфсизлигини та'минлаш учун жавобгар бўлган Бирлашган миллатлар томони қўшинларининг комиссияни кўриқлаш юзасидан чоралар кўрганига «ҳайрон қолганлигини» билдирган.

АҚШда табиий офат

НЬЮ-ЙОРК, 13 август. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг берган хабарига караганда, АҚШнинг Атлантик қирғоғида бўрон бошланиб, қаттиқ ёмғир ёққан ва шторм бўлган. 18 киши ўлган. Табиий офат натижасида кўрилган зарар 15 миллион доллардан ортади. Маккажўхори, пахта ва бошқа экинлар зарарланиши натижасида кўрилган зарар бу ҳисобга кирмайди.

СССР биринчилиги учун



Яқинда Тошкентдаги «Спартак» стадионида СССР биринчилиги учун «Б» класс составидаги ўйновчи командаларнинг футбол бўйича навбатдаги учрашуви бўлди. Ўйинда Тошкент спартакчилари блан Баку «Нефтяник» командаси футболчилари учрашдилар.

Ҳар иккала томон футболчилари ҳам моҳирлик блан ўйнаб, тез-тез бир-бирларининг дарбозаларига ҳужум қилиб турдилар. Территориаль устунлик спартакчилар қўлида бўлишига қарамай, ўйин бошлангандан кейин 16 минут ўтгач, меҳмонлар тошкентлилар дарбозасига биринчи бўлиб тўп киритдилар Шундай қилиб ўйиннинг биринчи ярми 1:0 ҳисоби блан бакулилар фойдасига ҳал бўлди.

Танаффуздан кейин спартакчилар ташаббусни қўлга олиб, атакага ўтадилар. Улар ўйинни қизғинлик блан давом эттирадилар. Орадан 7 минут ўтгач, спартакчи Тадзитдинов меҳмонлар дарвозасига тўп киритиб, ҳисобни бараварлаштиради. Ўйиннинг қолган вақтида ҳар иккала команда ҳам ҳарқанча ўринишларига қарамай, ҳисобни ўзгартираолмайдилар. Ўйин 1:1 ҳисоби блан тамом бўлди.

Суратда: Тошкент «Спартак» командаси блан Баку «Нефтяник» командаси футболчиларининг учрашуви.

А. Аверьянов фотоси.

„Шарқ юлдузи" журналининг 7-нчи сони

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзининг органи «Шарқ юлдузи» журналининг 7-нчи сони босилиб чиқди.

Журналнинг бу сонида қорақалпоқ совет адабиёти рубрикаси остида қорақалпоқ ёзучиларидан Жумабой Ташеновнинг «Жангчи Ўтеген» сарлавҳали повести, И. Юсуповнинг «Яна гулла шаҳрим», М. Қосимованинг «Келинг дўстлар», Х. Сеитовнинг «Янги ер», Б. Каипназаровнинг «Раҳмат сизга», Н. Жапоқовнинг «Оғамга» сарлавҳали ше'рлари босилган.

Бу сонда С. Анорбоевнинг «Колхоз кишилари» савлавҳали очерки, С. Абдуқаҳҳорнинг «Уроқ, чалғи ва комбайн», О. Қўчқорбековнинг «Бўри блан Тўрткўз» сарлавҳали масаллари, Х. Расулнинг «Икки ше'р», З. Обидовнинг «Дугоналар» сарлавҳали ше'рлари, Н. А. Некрасовнинг «Рус аёллари» поэмаси ва А. Ивановнинг «Чатқол тоғларида» поэмасидан парчалар берилган.

Болалар адабиёти рубрикаси остида М. Зайнидиновнинг «Тойча», «Тозалик комиссияси» сарлавҳали кичик ҳикоялари, О. Тўйчиннинг «Топишмоқлар» сарлавҳали ше'ри, И. Акбаровнинг «Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари», Ф. Насриддиновнинг «Артист ва режиссёр» сарлавҳали мақолалари босилган. Журналда Совет ёзучиларининг Бутуниттифоқ иккинчи с'езди материаллари темасида Б. С. Рюриковнинг «Совет адабий танқидчилигининг асосий проблемалари »деган қўшимча доклади, танқид ва библиография бўлимида Б. Имомовнинг «Ғафур Ғулом ижодида сатира ва юмор», Т. Ғозибоевнинг «Талантли ўзбек халқ шоири», А. Рустамовнинг «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» ҳақидаги мақолалари ҳам бор.

И. ШОҒУЛОМОВ.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Шаҳар халқ маорифи бўлими ўқучиларнинг фан асосларини пухта эгаллашлари учун қулай шароит яратишга катта э'тибор бериб, мактаб бинолари қуриш ишини тезлаштириб юборди.

Куйбишев район, Жуковский кўчасидаги учқаватли ўрта мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Киров районида қурилаётган мактаб биноси 25 августгача фойдаланишга топширилади. Фрунзе ва Марказий районларда қурилаётган мактаб бинолари қурилиши ҳам яқин кунлар ичида тамомланади. Шунингдек, 47-нчи ва 83-нчи мактабларда қўшимча синф, спорт ва физкультура зали қурилди.

Бу йил шаҳардаги мактаблардан 37 таси капитал ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

ЮТУҚ ПУЛИ ТЎЛАНМОҚДА

Шаҳардаги 77-нчи давлат омонат кассаси СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш 2-нчи давлат заёмига чиққан ютуқ пулларни меҳнаткашларга тўлайбошлади.

Омонат касса дастлабки икки кун ичида меҳнаткашларга 212 минг сўм ютуқ пули тўлади. Меҳнаткашлардан Б.нинг 100 сўмлик заёмига 10 минг, З.нинг 200 сўмлик заёмига 10200 сўм ютуқ пули тўланди.

Ютуқ пули тўлаш давом этмоқда.

Америка қишлоқ хўжалик делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Америка қишлоқ хўжалик делегацияси Ўзбекистонда бирнеча кун бўлди. Меҳмонлар республикадаги қишлоқ хўжалик ишлари блан танишдилар, колхозларда бўлдилар, машинатрактор станцияларидан бирига ва совхозга бордилар. Улар пахтачиликни ривожлантиришга, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни механизациялашга айниқса э'тибор бердилар.

Делегация а'золари 14 августда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. Юсупова ва Тошкентнинг бош архитектори М. Булатов блан биргаликда республика пойтахтини айланиб чиқдилар. Улар янги уй-жойларни, Сталин номидаги маданият ва истироҳат паркини кўздан кечирдилар, колхоз бозорига, мачитга бордилар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги делегация шарафига зиёфат берди. Бу зиёфатда қишлоқ хўжалик мутахассислари, илмий муассасаларнинг раҳбарлари, колхозларнинг раислари, совхоз ва МТСларнинг директорлари, матбуот ходимлари ҳозир бўлди. Зиёфат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Зиёфат вақтида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри М. Муҳаммаджонов ва делегация раҳбари Уильям Ламберт табрик нутқи сўзлаб, Америка қишлоқ хўжалик делегациясининг Ўзбекистонга келганлиги АҚШ ва Совет Иттифоқи халқларининг бир-бирларини яхши тушунишларига ва икки ўртада самимий муносабатлар ўрнатилишига ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар.

Уильям Ламберт ўз нутқида Тошкентда ва Тошкент областида—ҳамма ерда Америка делегацияси қизғин, самимий кутиб олинганлигини ва делегация ўзи бўлган районларнинг қишлоқ хўжалиги блан кенг танишиш имкониятига эга бўлганлигини уқтириб ўтди. Ламберт айтдики, пахтадан яхши ҳосил етиштирилаётганлиги ва колхозлардаги жуда яхши зотли чорва моллари, шунингдек суғориладиган деҳқончиликни механизациялаш даражаси юқори эканлиги делегациянинг барча а'золарида катта таассурот қолдирди. Сизлар, яхши натижаларга эришгансиз, деди делегация бошлиғи, шу блан бирга сизларнинг келажак истиқболингиз янада каттароқдир. Биз Тошкентдан энг яхши таассуротлар блан жўнаб кетаётирмиз.

Зиёфатда Америка қишлоқ хўжалик делегациясининг а'золарига совға қилиб ўзбек миллий кийимлари тақдим этилди.

14 августда Америка қишлоқ хўжалик делегацияси самолёт блан Олмаотага учиб кетди. Аэродромда меҳмонларни республика қишлоқ хўжалик министрлигининг мас'ул ходимлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент области меҳнаткашларининг вакиллари, матбуот ходимлари кузатиб қолдилар.(ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

КИНОЛАРДА:

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 дан кеч 10 гача), НАВОИЙ номли (кеч соат 6 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 12 дан кеч 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кўчқурун) — **Чўққилардаги шарпалар ғойиб бўлмоқда.**

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Партбилет.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 10 да **Райком секретари.**

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли, «ҲИВА», «УДАРНИК» — **Чўққилардаги шарпалар ғойиб бўлмоқда.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Ёш гвардия** 2-нчи серия), кечқурун **Сусамир водиси.**

Жойларда ишлаш учун: **колонкали пармалашнинг смена мастерлари ва пармалаш ишчилари**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, № 65-а уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142

Р. 06758. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № А — 1485.